2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 97 (886), 2023 йил 19 май, жума

www.yuz.uz | yuz.uznews | yuz_official | yuz.uz_news

# ҲАР ТОМОНЛАМА СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг давлат ташрифи 18 май куни Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин билан икки томонлама музокаралардан бошланди.**





Учрашув икки мамлакат делегациялари иштирокида Сиань шаҳридаги “Шэньси” қароргоҳида ўтди.

Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин дастлаб давлатимиз раҳбарини самимий қутлаб, мамлакатимизда Конституцияни янгилаш бўйича умумхалқ референдуми муваффақиятли ўтказилгани билан дилдан табриклади ва Ўзбекистонда бўлажак Президент сайловида катта муваффақиятлар тилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, ўз навбатида, Хитойга давлат ташрифи билан келиш таклифи ва кўрсатилаётган илиқ меҳмондўстлик учун миннатдорлик билдирди. Хитой раҳбарини муҳим сиёсий тадбирлар муваффақиятли ўтказилгани ҳамда олий давлат лавозимларига қайта сайлангани билан самимий табриклади.

Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларининг янги даврида долзарб бўлган масалалар батафсил муҳокама қилинди.

Эришилган келишувлар изчил амалга оширилаётгани, барча даражалардаги ўзаро алоқалар жадал тус олгани, сиёсий мулоқот мустаҳкамланиб бораётгани ва муҳим масалаларда томонлар бир-бирини қўллаб-қувватлаб келаётгани алоҳида мамнуният билан қайд этилди.

Камбағалликни қисқартириш, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги, ердан фойдаланиш, кичик ва ўрта бизнес, инфратузилмани модернизация қилиш, тиббий хизмат сифатини ошириш ва профессионал таълим соҳаларида ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни амалга оширишда самарали тажриба алмашиш ва муҳим чоралар кўришга алоҳида эътибор қаратилди.

Савдо-иқтисодий соҳада ўзаро манфаатли амалий ҳамкорликни кенгайтириш истиқболлари батафсил кўриб чиқилди. Бу, энг аввало, замонавий саноат қувватларини барпо этиш, инвестициявий ва юқори технологик корхоналарни ташкил этиш борасидаги қўшма лойиҳаларни назарда тутади.

Куни кеча ўтказилган бизнес-форум якунида умумий қиймати 25 миллиард долларлик истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш бўйича битимлар имзоланди ва келишувларга эришилди.

Муқобил энергетикани ривожлантириш бўйича қуёш, шамол ва сув электр станцияларини барпо этиш, қуёш панеллари, электр ускуналар, трансформаторлар, аккумуляторлар ишлаб чиқариш, бошқарув жараёнларини рақамлаштириш ва мутахассисларни тайёрлаш борасидаги лойиҳалардан иборат инвестициявий-технологик ҳамкорлик дастурини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Янги авлод автомобилларини ишлаб чиқариш соҳасидаги кооперацияни кенгайтириш — электр ва гибрид автотранспорт воситаларини йиғиш бўйича замонавий заводларни ишга тушириш имкониятлари муҳокама қилинди.

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

# КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШГА БАҒИШЛАНГАН II ХАЛҚАРО ФОРУМ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Ҳурматли форум иштирокчилари!

Хонимлар ва жаноблар!

Ўзбекистон заминида иккинчи бор ўтказилаётган камбағалликни қисқартириш бўйича халқаро форумда иштирок этаётган Сиз, азиз меҳмонларни самимий қутлаб, барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурмат ва эҳтиромимни изҳор қиламан.

Ҳозирги таҳликали дунёда камбағалликни қисқартириш масаласи олдимиздаги энг муҳим вазифалардан бири эканини барчамиз яхши англаб турибмиз. Бу муаммога илғор тажриба ва янги ёндашувлар асосида биргаликда ечим топиш ҳамда уларни ҳаётга изчил татбиқ этиш бугун ҳар қачонгидан ҳам долзарбдир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясида Ўзбекистон томонидан илгари сурилган ташаббус доирасида ўтказилаётган мазкур анжуман камбағалликни қисқартиришга қаратилган янги ғоялар ва амалий чоралар ишлаб чиқиш бўйича фойдали халқаро мулоқот майдонига айланди, деб айтишга барча асослар бор.

Ушбу платформа мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш мақсадида бошлаган улкан ислоҳотларимизни янада бойитиб, катта ижобий ўзгаришларга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Бунинг яққол мисоли сифатида ўтган бир йилда мамлакатимизда камбағаллик даражаси 17 фоиздан 14 фоизга пасайиб, 1 миллион фуқаро камбағалликдан чиқарилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Бундай натижаларга эришишимизда аҳолини замонавий касб-ҳунарларга ўқитиш, уларга муносиб иш ўринларини яратиш, тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган тизимли ва узоқни кўзлаган сиёсатимиз ҳал қилувчи омил бўлмоқда.

Маҳаллаларда ижтимоий хизматлар кўламини кенгайтириш орқали мамлакатимиздаги 2 миллион 300 мингдан зиёд муҳтож оилалар, хотин-қизлар, ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар ижтимоий ҳимоя билан тўлиқ қамраб олинди.

Тарихимизда биринчи марта умумхалқ референдуми орқали қабул қилинган янги таҳрирдаги Конституцияда Ўзбекистон ижтимоий давлат, деб эълон қилиниб, инсон қадрини янада улуғлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича давлатнинг конституцион мажбуриятлари алоҳида муҳрлаб қўйилди.

Шу боис, камбағалликни қисқартириш борасида бошлаган кенг кўламли ишларимизни янги босқичга олиб чиқиб, бундан буён ҳам барча йўналишларда “инсон — жамият — давлат” тамойили асосида ислоҳотларни қатъий давом эттирамиз.

Энг аввало, янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадларини оширишнинг “драйвери” бўлган хусусий сектор ва тадбиркорлик учун энг қулай шароитларни яратиб бериш, уларни изчил қўллаб-қувватлаш доимий эътиборимиз марказида бўлади. Хусусан, ишсиз фуқароларни ўқитиш ва ишга жойлаш ташаббусини билдирган фаол тадбиркорларга “ижтимоий контракт” тизими асосида қўшимча имтиёзлар пакети тақдим этилади.

Иккинчидан, “ижтимоий реестр” тизими доирасида камбағал оилаларни индивидуал ёндашув асосида манзилли қўллаб-қувватлаш дастурларини жадал давом эттирамиз.

Учинчидан, давлатнинг ижтимоий мажбуриятларини тўлиқ амалга ошириш мақсадида ногиронлиги бўлган шахслар, хотин-қизлар, нуронийлар, алоҳида эътиборга муҳтож аҳоли қатламларига маҳалланинг ўзида юздан ортиқ ижтимоий хизматларни кўрсатиш йўлга қўйилади.

Тўртинчидан, маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш мақсадида аҳоли ўзи танлаган лойиҳаларга “очиқ бюджет” тизими орқали ажратилаётган маблағлар ҳажми кескин кўпайтирилади.

Бешинчидан, инсон капиталини ривожлантириш учун ҳар бир шахснинг сифатли таълим ва тиббиёт хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқларини рўёбга чиқаришга қаратилган ишларимизни тобора кенгайтирамиз.

Ҳурматли анжуман иштирокчилари!

Бугунги форумга нуфузли халқаро ташкилотлар ва ҳамкор давлатлардан 100 дан ортиқ таниқли экспертлар ташриф буюргани ушбу масалага қизиқиш ва эътибор нечоғлик катта эканини яққол кўрсатиб турибди.

Албатта, Ўзбекистон камбағалликни қисқартириш бўйича ўз олдига қўйган юксак марраларни амалга оширишда жаҳон ҳамжамияти билан олиб бораётган яқин ҳамкорлигини давом эттиришдан манфаатдордир.

Форум доирасида ишлаб чиқилган янги ёндашувлар ва таъсирчан ечимлар келгусида амалий ҳаётга самарали татбиқ этилади, деб ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, барчангизга мустаҳкам соғлиқ, шарафли ва масъулиятли фаолиятингизда омадлар, анжуман ишига эса катта муваффақиятлар тилайман.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

## ФОРУМ

# “ЎЗБЕКИСТОН КАМБАҒАЛЛИК МУАММОСИГА ОЧИҚ ҚАРАМОҚДА”

## ХАЛҚАРО ЭКСПЕРТЛАР БУНИ АЛОҲИДА ЭЪТИРОФ ЭТДИ




**Кўплаб давлатларда аҳолининг яшаш шароити, иқтисодий фаровонлиги ошиб бораётган бир вақтда дунёнинг қайсидир бурчагида минглаб, ҳатто миллионлаб инсон қашшоқликдан азият чекмоқда. Улар тўйиб овқатланиш у ёқда турсин, ҳар куни бир бурда нон топиш, тоза сув ичиш, бирор бошпанада тунаш ҳақида орзу қилади. Бир қарашда бу шунчаки, аянчли манзарадек. Аммо, ҳақиқатан, сайёрамизда қашшоқлик, камбағаллик деган глобал муаммолар мавжуд ва уларга қарши курашиш пандемиядан кейин янада муҳим масалага айланди.**

Давоми 4-бетда

## АНЖУМАН

# БАРҚАРОРЛИК УЧУН ИНВЕСТИЦИЯ

## ҲАМКОРЛИКНИ ЯНГИ ПОҒОНАГА ОЛИБ ЧИҚИШНИНГ ТАРИХИЙ ИМКОНИЯТИ



**Жорий йил 16-18 май кунлари Самарқанд яна бир халқаро нуфузли тадбирга мезбонлик қилди. Бу ерда Европа тикланиш ва тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг 32-йиллик йиғилиши бўлиб ўтди. Шу тариқа “Самарқанд руҳи” яна бир бор дунёга таралди.**

Давоми 2-бетда

## НУҚТАИ НАЗАР

# ТАДБИРКОРЛИК РУҲИ — ФАРОВОН ҲАЁТ АСОСИ

## БУНДА “ИНСОН ҚАДРИ УЧУН” ТАМОЙИЛИ ҲАР БИР ОИЛАГА КИРИБ БОРИШИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

**2023 йил 15 май куни Президентимиз раислигида камбағалликни қисқартириш ва бандликни таъминлаш чора-тадбирлари муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Йиғилишда таъкидланганидек, давлатимиз сиёсатида инсон манфаатлари, ижтимоий адолат тамойиллари устувор.**

Шу боис, аҳолининг муайян қатлами ўртасида камбағаллик борлиги тан олиниб, уни қисқартириш бўйича алоҳида тизим жорий қилинди. Жорий йил бошида эса барча туманлар шароитига кўра 5 тоифага ажратилиб, табақалашган енгилликлар берилди. Ҳар йили оилавий тадбиркорликка 13 триллион сўм кредит ва 1 триллион 500 миллиард сўм субсидия ажратиляпти. Натижада ўтган йили 1 миллион, бу йил биринчи чоракда 210 минг аҳоли камбағалликдан чиқарилди.

Давоми 4-бетда

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

# ҲАР ТОМОНЛАМА СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Бошланиши 1-бетда

Турдош тармоқлардаги лойиҳаларни ишлаб чиқиш муҳимлиги таъкидланди. Хусусан, мис, литий, нодир металларни чуқур қайта ишлаш асосида электротехника маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи юқори технологик кластерни барпо этиш шулар жумласидан.

Бундан ташқари, пластмассалар, кимёвий маҳсулотлар, металл буюмлар, озиқ-овқат, қурилиш материаллари, тайёр тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, биотехнологиялар кластерини ташкил этишда ҳамкорликни чуқурлаштириш ва кенгайтиришдан мамлакатларимиз манфаатдор экани таъкидланди.

Хитойнинг етакчи банклари ва “Ипак йўли” фонди, шунингдек, Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки билан самарали молиявий-техник ҳамкорликнинг бугунги даражаси юксак баҳоланди.

Икки мамлакат ҳудудларининг ҳамкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш, шу жумладан, Сирдарё вилоятини “Илғор технологиялар ҳудуди”га айлантириш бўйича қўшма чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Фаол мулоқотлар ва авиақатновлар қайта тикланишини ҳисобга олиб, жорий йилда Ўзбекистонда икки мамлакат шаҳар ва ҳудудларининг биринчи форумини ўтказиш масаласи ўрганилади.

Кейинги йилларда икки бараварга кўпайган ўзаро товар айирбошлашни ошириш учун мақсадли кўрсаткичлар ва товарлар таркиби белгилаб олинди.

“Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” темир йўлини қуриш бўйича амалий ишларни тез фурсатда бошлаш муҳимлиги қайд этилди.

Гуманитар соҳа муҳокама қилинар экан, таълим ва туризмда ҳамкорликни фаоллаштириш, ўзаро маданият, санъат ва кино кунларини ўтказиш, анъанавий тиббиёт, кўз ва бошқа турдаги касалликларни даволаш, вакцина ва фармацевтик маҳсулотлар ишлаб чиқариш борасидаги дастурларни амалга ошириш зарурлиги ҳақида якдил фикр билдирилди.

Минтақавий кун тартиби ва халқаро сиёсатнинг долзарб масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Учрашув ҳар доимгидек ишонч, очиқлик ва дўстлик руҳида ўтди. Ўзбекистон етакчиси Хитой раҳбарини мамлакатимизга ташриф билан келишга таклиф этди. Таклиф миннатдорлик билан қабул қилинди.

Олий даражадаги музокаралар якунлангач, икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин Қўшма баёнотни имзоладилар ва 2023-2027 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасида янги даврдаги ҳар томонлама стратегик шерикликни ривожлантириш дастурини қабул қилдилар.

Етакчилар ҳузурида қуйидаги ҳужжатлар имзоланди:

— Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати ўртасида техник-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битим;

— Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати ўртасида Ҳамкорлик бўйича ўзбек-хитой ҳукуматлараро қўмитасини ташкил этиш тўғрисидаги Битимга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги баённома;

— Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати ўртасида ўрта таълим мактаблари салоҳиятини ривожлантириш бўйича лойиҳани амалга ошириш тўғрисидаги битим;

— Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан Хитой Халқ Республикаси Божхона бош маъмурияти ўртасида парранда гўштини етказиб беришда карантин ва ветеринария-санитария талаблари тўғрисидаги баённома;

— Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан Хитой Халқ Республикаси Божхона бош маъмурияти ўртасида Ўзбекистондан Хитойга узум экспорт қилишда фитосанитар талаблар ва назорат тўғрисидаги баённома;

— Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси билан Хитой Халқ Республикаси Божхона бош маъмурияти ўртасида ваколатли иқтисодий операторлар дастурларини ўзаро тан олиш тўғрисидаги келишув;

— Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги билан Хитой Халқ Республикаси Тижорат вазирлиги ўртасида устувор инвестиция лойиҳаларини илгари суриш бўйича англашув меморандуми;

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги билан Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши Матбуот канцелярияси ўртасида оммавий ахборот воситалари соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги англашув меморандуми;

— 2023-2024 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан Хитой Халқ Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ўртасида ҳамкорлик дастури;

— Тошкент шаҳри ва Сичуань музофоти ўртасида шериклик алоқаларини ўрнатиш тўғрисидаги битим;

— Сирдарё вилояти ва Шэньси музофоти ўртасида шериклик алоқаларини ўрнатиш тўғрисидаги битим;

— Самарқанд вилояти ва Шэньси музофоти ўртасида шериклик алоқаларини ўрнатиш тўғрисидаги битим.

Бундан ташқари, қуйидаги муҳим иқтисодий келишувлар имзоланди:

— электр узатиш линиялари ва нимстанцияларини қуриш лойиҳасини молиялаштириш тўғрисида;

— мультимодал логистика марказини ташкил этиш тўғрисида;

— “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ локомотивлари паркини янгилаш ва модернизация қилиш тўғрисида;

— Ўзбекистон — Хитой агросаноат паркини ташкил этиш тўғрисида;

— Агроинновацион паркни ташкил этиш тўғрисида;

— Ўзбекистон — Хитой биотехнологик кластерини ташкил этиш тўғрисида;

— “Ўзбектелеком” АКнинг телекоммуникация инфратузилмасини янада кенгайтириш тўғрисида;

— “EXEED” компанияси билан биргаликда замонавий автомобиллар ишлаб чиқариш тўғрисида;

— “BYD Auto Industry” компанияси билан биргаликда электр ва гибрид автомобиллар ишлаб чиқариш тўғрисида;

— “Ўзбекистон миллий банки” АЖ билан “Хитой Эксим банки” ўртасида кредит линияларини жалб қилиш тўғрисида;

— “Ўзбекистон миллий банки” АЖ билан “Хитой тараққиёт давлат банки” ўртасида кредит линияларини жалб қилиш тўғрисида;

— “China Export and insurance corporation” билан ҳамкорлик тўғрисида;

— Наманган вилоятида “Норин ГЭС каскадини қуриш” ва Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида “Айгаин ГЭС каскадини қуриш” лойиҳалари техник-иқтисодий асосларини тайёрлаш тўғрисида;

— телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида.

Ташриф тадбирлари доирасида тармоқ меморандумлари ҳам имзоланди:

— Ўзбекистон Республикаси Маданият ва туризм вазирлиги ҳузуридаги хорижий давлатлар билан миллатлараро муносабатлар ва дўстона алоқалар қўмитаси билан Хорижий мамлакатлар билан дўстлик Шанхай халқ уюшмаси ўртасида;

— Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан Халқаро савдога кўмак кўрсатиш бўйича Хитой кенгаши ўртасида тижорат ҳуқуқи соҳасида ҳамкорлик бўйича Ўзбек-Хитой қўмитасини тузиш тўғрисида;

— Ўзбекистон Республикаси товар-хомашё биржаси билан Дальян товар биржаси ўртасида;

— Ўзбекистон Паррандачилик уюшмаси билан Хитой Чорвачилик уюшмаси ўртасида паррандачилик соҳасида ҳамкорлик тўғрисида;

— Ўзбекистон Республикаси “Ўзчармсаноат” уюшмаси билан Хитой чарм саноати бўйича ҳамкорлик уюшмаси ўртасида;

— Тошкент давлат шарқшунослик университети билан Пекин хорижий тиллар ва маданият университети ўртасида;

— Тошкент давлат шарқшунослик университети билан Ляонин педагогика университети ўртасида;

— Самарқанд халқаро технологиялар университети билан Тяньцзинь фан ва техника университети ўртасида;

— Самарқанд халқаро технологиялар университети билан Шимолий-шарқ электроэнергетика университети ўртасида;

— Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети билан Шанхай университети ўртасида.

Ташриф доирасида икки мамлакат ўртасидаги ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва амалий ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган жами 41 та ҳужжат имзоланди.

Сиань шаҳридаги Тан сулоласи боғида “Марказий Осиё — Хитой” биринчи саммитида иштирок этаётган давлатлар раҳбарларини расман кутиб олиш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва рафиқасини Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин ва рафиқаси тантанали кутиб олдилар.

Маросимда Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров ва рафиқаси, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон ва Туркманистон Президенти Сердар Бердимуҳамедов ҳам иштирок этди. Биргаликда суратга тушилди.

Олий мартабали меҳмонларга сарой олдидаги майдонда Хитойнинг бой тарихи ва маданиятини ўзида акс эттирган ёрқин саҳналаштирилган чиқишлар ва концерт дастури намойиш этилди.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев саммит доирасида Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон билан учрашув ўтказди.

Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантириш, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини кенгайтиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Етакчилар иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ҳукуматлараро қўшма комиссиянинг 12 май куни Тошкент шаҳрида ўтган навбатдаги йиғилишининг самарали якунларини юксак баҳоладилар.

Ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини ошириш ва саноат кооперацияси лойиҳаларини, шу жумладан, энергетика, машинасозлик, қишлоқ хўжалиги, транспорт-коммуникация ва бошқа тармоқларда илгари суриш бўйича қабул қилинган қарорларни амалда бажариш муҳимлиги таъкидланди.

Ўзбекистон ва Тожикистон раҳбарлари минтақавий кун тартибидаги долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар, бўлажак тадбирлар режасини кўриб чиқдилар.

**ЎзА**

**АНЖУМАН**



# БАРҚАРОРЛИК УЧУН ИНВЕСТИЦИЯ

## ҳамкорликни янги поғонага олиб чиқишнинг тарихий имконияти

Бошланиши 1-бетда

71 мамлакатдан 2,5 мингдан зиёд делегат иштирокида ўтган анжуман глобал иқтисодий макон кўламини янада кенгайтириш, юртимиздаги фаол ишбилармонлик муҳитида инвестициявий имкониятлардан унумли фойдаланишда янги ҳамкорлар топиш учун мулоқот майдони вазифасини ўтаган бўлса, ўз навбатида, мамлакатлар ўртасида дўстлик ва бағрикенглик алоқаларини мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилиши билан аҳамиятли бўлди.

Бу нуфузли тадбирда Президентимиз Шавкат Мирзиёев иштирок этгани эса хорижлик сармоядорлар, ишбилармон доира вакиллари ва молиявий ташкилотлар раҳбарларида янги Ўзбекистонда барча жабҳадаги, хусусан, иқтисодий соҳадаги ислоҳотлар ортга қайтмас тус олганига, инвесторларга яратилган ҳуқуқий асослар конституциявий нормалар билан мустаҳкамланганига аниқ ишонч ҳосил қилиши учун туртки бўлди.

**“Бугунги Ўзбекистон — кечаги Ўзбекистон эмас. Олти йил муқаддам бошлаган қатъий ислоҳотларимиз натижасида мамлакатимизнинг қиёфаси бутунлай ўзгарди. Бугун сиз, азизларни мутлақо янги муҳитда — дунёга кенг очилаётган, барча соҳаларда ҳамкорлик учун тайёр бўлган янги Ўзбекистонда қабул қилаётганимиздан ғоят мамнунмиз”,** деди давлатимиз раҳбари.

Бу гаплар айтилганида барчамизни фахр ва шараф ҳисси қамраб олди. Ўз навбатида, янги Ўзбекистоннинг бугунги ислоҳотлари мазмундорлигини чет эллик экспертлар ҳам юқори баҳолади.

Жумладан, **Финляндиянинг Ўзбекистондаги элчиси Илкка Ряйсянен** “Дунё” ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюсида ***“Бугун биз Ўзбекистон Президентининг ғоят муҳим нутқи гувоҳи бўлдик. Нутқда ЕТТБ билан кўп томонлама ҳамкорликнинг янги истиқболли йўналишлари очиб берилди. Финляндия Ўзбекистоннинг ЕТТБ билан ўзаро ҳамкорлигини, шунингдек, Марказий Осиёда минтақавий муносабатлар ва ўзаро боғлиқликни ривожлантириш йўналишини тўлиқ қўллаб-қувватлайди”,*** деди.

**ЕТТБ етакчи иқтисодчиси Беата Яворчик** эса ***“Ўзбекистон раҳбарининг мамлакатингизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнини, жумладан, Европа тикланиш ва тараққиёт банки ва ҳукумат ўртасидаги ҳамкорлик бўйича улкан мақсадларни белгилаш орқали давом эттиришга бўлган кучли интилиши бизда катта таассурот қолдирди. Ишончим комилки, Ўзбекистон сармоя учун жуда жозибадор йўналиш, жумладан, ҳозирги геоиқтисодий вазиятда мамлакат салоҳияти катта миқдордаги инвесторларни жалб қилиши мумкин”,*** дея эътироф этди.

Европа тикланиш ва тараққиёт банки Ўзбекистоннинг стратегик ҳамкорларидан бири. Унинг мамлакатимиздаги лойиҳалар портфели 4 миллиард евродан ошган. Шундан 3,3 миллиард евро қийматидаги лойиҳалар сўнгги тўрт йилда амалга ошира бошланган.

Экспертларнинг таъкидлашича, мажлис глобал иқтисодиёт истиқболларини кенг муҳокама ва чуқур таҳлил қилиш, унинг барқарор тараққиётини таъминлаш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш учун муҳим платформа бўлиб хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

ЕТТБ Бошқарувчилар кенгашининг йиллик йиғилиши Ўзбекистондаги йирик лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши ва экологик мувозанатни сақлашга чет эллик инвесторларни жалб қилиш учун муҳим платформа вазифасини ўтаб беради. Бу эса халқимиз турмуши фаровонлиги йўлидаги катта ислоҳотларнинг янада самарадор бўлишини таъминлаши шубҳасиз.

ЕТТБ Бошқарувчилар кенгашининг йиллик йиғилиши тафсилотлари ҳақида гапирганда яна бир эътиборли жиҳатни назардан четда қолдириш мумкин эмас. Бу — талаба ёшлар иштироки.

Самарқанд замини бир неча кун 2,5 мингдан зиёд меҳмонга мезбонлик қилган бўлса, уларнинг деярли ҳар бирига ўзбекистонлик талаба ёшлар ҳамроҳлик қилди. Улар инглиз, немис, француз, испан, ҳинд, форс, турк, араб, итальян, япон, корейс, хитой тилларида равон сўзлай олиши билан фақат бизнинг эмас, чет эллик нуфузли делегатларнинг ҳам ҳавасини келтирди.

Ўзбекона лутф, ширин калом ва шарқона тарбияси билан меҳмонлар эҳтиромини қозонган ёшлардан бири — Холмуҳаммад Исоқов.

У Самарқанд давлат чет тиллар институтининг биринчи курсида ўқишига қарамай, рус ва инглиз тилларида эркин гапиради, нафақат гапиради, балки экспертларга иқтисодий-сиёсий терминларни ҳам аниқ ва тўғри тушунтира олади.

— Нуфузли тадбирда биз, талабалар ҳам иштирок этдик. Бунинг учун бир неча босқичда синовлардан ўтдик. Бунда бизга институтда олаётган билим ва кўникмамиз қўл келди. Тадбир менда жуда катта таассурот қолдирди. Мамлакатимиз экспертлари ва турли минтақалардан келган мутахассисларнинг қизғин баҳс-мунозараларига бевосита гувоҳ бўлдик. Жамиятимизни янада ривожлантириш бўйича кўплаб таклиф-мулоҳазалар илгари сурилди. Турли соҳаларда ҳамкорлик бўйича шартномалар имзоланди. Бу каби тадбирларда қанча кўп иштирок этсак, дунёқарашимиз янада бойиб, таржимонлик ва мулоқот бўйича маҳоратимиз, тажрибамиз ошиб боради. Ўз навбатида, институтда олган билимимизни амалиёт билан уйғунликда бойитишга имкон беради, — дейди у.

Холмуҳаммад каби талаба ёшларни кўриб, хаёлимиздан бир фикр ўтди: янги Ўзбекистон ёшлари кечаги ёшлар эмас, улар янгиланган жамиятимизнинг янги қиёфасига асос солмоқда. Учинчи Ренессанс асосчилари бўлишга интилмоқда.

Умуман олганда, Европа тикланиш ва тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгаши 32-йиллик йиғилишининг Самарқанддаги уч кунлик тадбирлари самарали, манфаатли келишувларга бой ва ишчан руҳда ўтди. Шундай бўлиши ҳам керак эди. Боиси, “Самарқанд руҳи” бугун оламу одамларга ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик муҳитини сингдиришга йўғрилгани билан жаҳоний нуфуз касб этмоқда.

**Лутфулла СУВОНОВ,**
**Баҳор ХИДИРОВА,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбирлари**

**Бугун кўпчиликда ЕТТБ Бошқарувчилар кенгаши йиллик мажлисининг мамлакатимизда ўтказилиши бизга нима беради, деган савол туғилиши табиий. Бу ўринда миллий экспертларимиз фикрига қулоқ тутсак.**

**Жусипбек КАЗБЕКОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси табиат ресурслари вазири ўринбосари:**



— Йиллик йиғилиш доирасида бўлиб ўтган тадбирларда сайёрамизда рўй бераётган глобал экологик муаммолар, уларнинг олдини олиш, барқарор ривожланишга эришиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, биохилма-хилликни муҳофазалаш бўйича ўтган муҳокамаларда Ўзбекистонда бу йўналишда амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот бердик.

Юртимизда ҳаётга татбиқ этилаётган барқарор ривожланиш лойиҳалари ҳақида сўз борганда Оролбўйида қилинаётган ишларни алоҳида айтиш жоиз. Бу ҳудудда яшил қопламалар барпо этиш бўйича 2018 йилда бошланган ишлар бугун ўз самарасини бермоқда. 1 миллион 600 минг гектар майдонда саксовул ва чўлга чидамли бошқа ўсимликлар экилди. Оролбўйи минтақаси экологик инновациялар ва технологиялар ҳудудига айланди.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар майдонини кенгайтириш бўйича қилинаётган ишлар ҳам эътирофга лойиқ. Сўнгги йилларда бундай ҳудудлар майдони уч баробар кенгайди. Бу экологик мувозанатни барқарорлаштириш, ноёб табиат бойликларини асл ҳолича сақлаш ва келгуси авлодларга етказиш, энг асосийси, халқимиз соғлом ва узоқ умр кечириши учун қулай экологик муҳит яратишда муҳим омил бўлмоқда.

Халқаро анжуман ана шундай эзгу ишларни изчил давом эттиришда муҳим қадам бўлди. Тадбир доирасидаги музокараларда табиат муҳофазасига тадбиркорларни кенг жалб этиш, экологик барқарорликка йўл очадиган муқобил лойиҳаларни амалга ошириш, барқарор ривожланишга хизмат қиладиган инвестиция лойиҳаларини кенгайтириш хусусида фикрлашдик.

ЕТТБ бу борада Ўзбекистонда қатор лойиҳаларда иштирок этмоқда. Наманган вилоятининг Чоркесак, Тошкент вилоятининг Янгиобод ҳудудларида эски уран конларини рекультивация қилиш бўйича грант лойиҳалар асосида бажарилаётган ишлар бунга мисол бўла олади. Айни пайтда Қорақалпоғистон ва Хоразмда чиқинди полигонларини такомиллаштиришга йўналтирилган қиймати 120 миллион долларлик лойиҳалар юзасидан музокаралар олиб бориляпти.

**Абдулла АБДУҚОДИРОВ,**
**Стратегик ислоҳотлар агентлиги бош директорининг биринчи ўринбосари:**



— Бу йилги анжуманда диверсификация атамасига кўп бор мурожаат қилинди. Бу бежиз эмас. Диверсификация жамият тараққиётини юксалтириш, тараққиётга тўсиқ бўлаётган муаммоларга ечим топиш, барқарорликка эришишда муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, ЕТТБ бу масалага алоҳида эътибор қаратди ва ечимини топишга ҳаракат қилди. Йиллик йиғилиш шу йўналишдаги муҳим қадамлардан бири бўлди.

Бугунги кунда агентлигимиз ҳузурида жаҳондаги етакчи банклар билан ҳамкорликда мамлакат платформаси ташкил этилган. Унинг доирасида ҳар уч ойда йиғилиб, мулоқот олиб борамиз. Бу жараёнда юртимизда амалга оширилаётган лойиҳалар таҳлил этилади ва уларнинг натижадорлиги баҳолаб борилади.

Бундан ташқари, Президентимизнинг 2023 йил 1 мартдаги “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилиш жараёнларини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, юртимиздаги 22 йирик корхона ва 9 давлат банкининг давлат улуши бошқарув учун агентлигимизга топширилди. Уларнинг фаолиятида корпоратив бошқарув усулларини ўзгартириш, илғор услуб ва воситаларни жорий этиш бўйича иш олиб боряпмиз. Бу жараёнда хориждаги етакчи эксперт ва мутахассислар кўмаги жуда зарур. Ана шу йўналишда ЕТТБ билан катта-катта лойиҳаларни амалга оширяпмиз.

Иқтисодиёт барқарорлигига сармоя киритиш, халқаро савдони рағбатлантириш, энергетик хавфсизликни таъминлаш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этиш, рақамлаштиришни жадаллаштириш, молиявий инфратузилмани модернизациялаш, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш, “яшил иқтисодиёт” дастурини илгари суриш масалалари форумнинг асосий мавзулари бўлди.

Ўзбекистоннинг инвестициявий салоҳияти бўйича тақдимотлар ҳам ўтказиб, бизнес соҳасида қандай катта имкониятлар борлиги кўрсатиб берилди. Шунингдек, тадбир сессияларида соғлиқни сақлаш, таълим, инфратузилма, транспорт, энергетика соҳаларида 40 дан ортиқ йирик хусусий шериклик лойиҳаси тақдимот қилинди.

БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИ

# ЎЗБЕКИСТОН — ДУНЁВИЙ ДАВЛАТ



**Исмоил САИФНАЗАРОВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессори, фалсафа фанлари доктори**

**Шу йил 30 апрель куни юртимизда муҳим сиёсий жараён — янги таҳрирдаги Конституция лойиҳаси бўйича ўтказилган референдумда халқимиз ўз келажаги, мамлакатимиз эртаси учун овоз берди. Шу тариқа янги таҳрирдаги Конституциямиз қабул қилинди ҳамда Ўзбекистон ижтимоий ва дунёвий давлат мақомини мустаҳкамлаб олди. Шунингдек, Асосий қонунимиз билан ўзбек халқининг фаровон келажагини таъминлашга қаратилган эркин бозор иқтисоди асослари ҳам мустаҳкамланди, интеллектуал мулкдан тортиб инклюзив таълимгача бўлган муҳим ҳуқуқлар кафолатланди.**

**Дунёвий давлат** — давлат ҳокимияти ва бошқарувидан дин ажратилган, бошқарув диний қоидалар билан эмас, балки фуқаролик қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинадиган, қарорлар қабул қилишда диний асосларга таянилмайдиган давлат. Шунингдек, ҳеч қандай дин ва мафкура давлатнинг мажбурлов кучи билан ўрнатилмаслигини, уларнинг давлатдан айри эканини тавсифлайди. Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, дунёвий давлатда дин давлатдан ва сиёсатдан ажратилса-да, жамиятдан ажратилмайди. Энг муҳими, дунёвий давлат барча динлар учун тенг шароитлар яратиб бериш, фуқароларга таълим олиш, шахсий ривожланиш йўлини мустақил танлаш имкониятини яратиш ҳамда илм-фан ва маданий тараққиётда ижодий эркинликни таъминлашни кўзда тутади. Дунёвий давлатда таълим жамиятга шахсни шакллантириб беради. Бу шахс давлат олиб бораётган ислоҳотлар жараёнидан хабардор, ҳамқадам ва фаол, давлатга таянч ва тиргак бўлади, шу туфайли жамият тараққий этади.

Дунёнинг ривожланган мамлакатлари тажрибаси шуни кўрсатадики, дин дунёвий давлат тузуми билан нафақат муроса, балки умуммиллий юксалиш йўлида самарали ҳамкорлик қилиши ҳам мумкин. Демократик давлатларда кўпчиликни ташкил этадиган аҳолининг диний эътиқодига кўрсатилган иззат-ҳурмат билан бир қаторда, туб этнослар учун ноанъанавий бўлган, аммо фуқароларнинг муайян қисми эътиқод қиладиган динлар, қолаверса, ҳеч қандай динга эътиқод қилмасликка бир хил муносабат қарор топгани — Қуръонда "Динда мажбурлаш йўқ" дейилган оятнинг чуқур инсонпарварлик фалсафасини янада ёрқинроқ очиб беради.

Диннинг янги Ўзбекистон ижтимоий ҳаётидаги ўрни, энг аввало, унинг Конституциявий мақоми билан белгиланди. Ўзбекистон Конституциясига мувофиқ, барча фуқароларнинг виждон эркинлиги кафолатланган. Ҳар бир инсонга хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқи берилган. Диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг давлатдан ажратилгани ҳамда уларнинг қонун олдида тенглиги белгилаб қўйилган.

Ижтимоий ҳаётимизда-чи? Афсуски, кўп ҳолларда ижтимоий тармоқларда гувоҳи бўляпмиз, баъзи кишилар, айниқса, ёшлар очиқдан-очиқ, билиб-билмай ножоиз гапириб қўймоқда. "Роддом"ларда эркак кишининг доялик қилиши шариатга тўғри келмаслиги, банклардан фоизли кредит олиш ҳаромлиги, дўконларда сотилаётган айрим маҳсулотлар шаръий эмаслиги ҳақида ваъз сотиб, одамларни чалғитишга, онгини заҳарлашга уринишяпти.

Яна бир масалага эътибор қаратмоқчимиз. Статистика агентлиги берган хабарга кўра, Ўзбекистонда никоҳни қонуний расмийлаштириш пандемия давридаги даражага тушиб кетибди. Ажралиш сони ортяпти.

Нима учун шундай бўляпти? Боиси, ижтимоий тармоқлардаги икки ёки ундан ортиқ хотинга уйланиш тарғиботи сабаб қонуний эр-хотинликдан кўра, шаръий жуфтлик муносабати авж олган. Ўз навбатида, мажбурий ижро органларида 425 мингдан ортиқ алимент ундиришга қаратилган ижро ҳужжати мавжуд. Бу умумий ҳисобда миллионлаб болаларнинг алиментга куни қолганини англатади.

Аҳолининг, айниқса, хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлиги йўқлиги, ўз ҳақ-ҳуқуқларини билмаслиги оқибатида қонуний никоҳлар камайиб, шаръий никоҳлар кўпайиб, етим болалар сони ошиб боряпти. Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга масъул бўлган Адлия вазирлиги қани? Қонунчилик тарғиботи сустлашиб, ҳайбаракаллачилик кучайишига қачонгача панжа ортидан қараймиз? Оила, оналик ва болаликка масъул ташкилотлар-чи? Қачонгача сохта "даъватчи"ларнинг, сохта муллаларнинг тегирмонига сув қуямиз? Ҳатто чаласавод муллалар туфайли жамиятда хотин-қизлар ўқиши шарт эмас, у уй бекаси бўлиши етарли, деган нотўғри қараш шаклланяпти. Бу давлатни қолоқлик ботқоғига ботирмайдими? Яқин келажакда аҳолиси 40 миллионга етадиган давлатимизни фақат дунёвий илм қутқаришини эсдан чиқармайлик. Радикал ва мутаассибларнинг бир томонлама қарашлари билан муроса қилолмаймиз.

Фақат дунёвий таълимга асосланган билимлар билангина тараққиётга эришамиз. Фарзандларимиз бугун кимё, физика, математика каби аниқ фанлар, тарих, география, она тили ва адабиёт каби гуманитар фанларнинг чуқур билимдонига айланиши шарт. Бизнингча, мактаб муаллимининг асосий вазифаси ўқувчиларда фикрлаш санъати уйғонишига эришиш бўлмоғи лозим. Фикрламайдиган боланинг эса катта бўлганда ўз йўли ва мақсадига эришиши қийин кечади. Сабаби фикр инсон ботиний (ички) қиёфаси акс этган кўзгу ҳисобланади. Фикрсизлик — маданият кушандаси. Фикри йўқ одамнинг қиёфаси ҳам бўлмайди, дейдилар. Фикр йўқ жойда оломончилик ва жоҳиллик кучаяди. Дунёда бўлиб ўтаётган фавқулодда ҳолатлар бунга гувоҳлик беради.

Энг ёмони, ўқимаган, фикрлашни хоҳламаган кишининг фарзандлари ва авлодлари ҳам шундай ҳолга тушади. Мактаб тизимимизнинг энг муҳим нуқсони, камчилиги ёшлар ўртасида мустақил фикрга эга бўлмаганлар пайдо бўлаётгани ҳодисасидир. Ваҳоланки, жамиятда фикр бўлсагина, у янгиланади. Қотиб қолган ёки бир хил қолипдаги қарашлар ва фикрлар билан яшаш кун келиб жамиятни ҳам иқтисодий, ҳам маънавий таназзулга ботиради.

Европа тараққий этишдан олдин унинг фикри ва санъати, фалсафаси тараққий этди, у ижтимоий фикрга турткии ва қувват берди, хилма-хил ғояларга йўл очилди. Бу ғоялар ичида, албатта, иқтисодий, техникавий, илмий ғоялар ҳам бор эди. Европа ана шу фикр ва ғояларга йўл берди, уни амалга оширишга имконият яратди.

Европаликлар билим, маърифат, тенглик, фидойиликни устувор санаб, унга амал қилиб, Шарқ халқлари илм-фани, китоблари ила озиқланиб, XVI асрлардан сўнг тараққий эта бошлади. Биз эса илм мактаблари яратган ўлкадан хомашё етиштирадиган камбағал мамлакатга айландик. Нега бундай бўлди, деган ҳақли савол туғилади. Жавоблар ҳаддан зиёд кўп, аммо жадид бобомиз Абдулла Авлоний "Ким нимани яхши кўрар?" номли бадиасида бундан юз йил муқаддам жамиятдаги ҳолатни шундай баҳолаган: **"Эҳтимол, бизнинг халқ илму маърифатни, тарбия ва таълимни, ҳунар ва саноатни яхши кўрар, деб ўйлайдурғондурсиз? Йўқ, бу фикрингиз янглиш... Оналаримиз билим ва тарбия ўрнига эрлари ила урушуб-талашуб қизлариға мол қилмакни яхши кўрурлар".**

Ҳа, ўша вақтдаёқ жамиятга ёт унсурлар кириб келган, мақсад сари интилиш ўрнига озгина чаласаводлигимиз туфайли майдалашиш, моддиятчиликка интилиш жараёни бошланган экан-да...

Биз дунёвий давлатда яшаяпмиз. Шу билан бир вақтда, масаланинг иккинчи томонига ҳам катта аҳамият беришимиз керак. Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи кучлар ҳам йўқ эмас. Бироқ ижтимоий тармоқларда айрим ноқонуний диний ташкилотлар вакиллари очиқдан-очиқ Конституциявий тузумга зид баёнотлар билан чиқаётгани, уларнинг йўлига тўсиқ қўйилмаётгани ҳам бор гап.

Мамлакатимизда давлатнинг дин билан муносабатлари мазмун-моҳиятини белгиловчи асосий тамойиллар бор. Унга кўра, диндорларнинг диний туйғуларини ҳурмат қилиш, эътиқодига монелик қилмаслик, диний эътиқодга эга ёки эга бўлмаган фуқароларнинг ҳуқуқларини тенг кафолатлаш, уларни таъқиб қилишга, диндан бузғунчилик мақсадларида фойдаланишга йўл қўймаслик тамойиллари мавжуд. Яъни соф диний эҳтиёжларни қондиришдан ташқарида бўлган ҳар қандай ғаразли мақсадга эришиш йўлида диний омилдан фойдаланишга интилиш қатъиян ман этилади. Демак, давлатимизнинг динга нисбатан муносабати қандайдир конъюктур ёки муваққат тактик мулоҳазалар билан белгиланмайди, балки диннинг ижтимоий ҳаётдаги муҳим омиллиги идроки ва эътирофига таянади. Айтмоқчи бўлганимиз, давлат диннинг Ўзбекистон фуқаросини тарбиялашдаги катта имкониятларига ишонади. Аммо ҳеч қачон диний даъватлар ҳокимият учун курашга, сиёсат, иқтисодиёт ва қонуншуносликка аралашиш учун байроқ бўлишига йўл қўйилмайди.



> **ДИННИНГ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ИЖТИМОИЙ ҲАЁТИДАГИ ЎРНИ, ЭНГ АВВАЛО, УНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ МАҚОМИ БИЛАН БЕЛГИЛАНДИ. ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИГА МУВОФИҚ, БАРЧА ФУҚАРОЛАРНИНГ ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ КАФОЛАТЛАНГАН. ҲАР БИР ИНСОНГА ХОҲЛАГАН ДИНГА ЭЪТИҚОД ҚИЛИШ ЁКИ ҲЕЧ ҚАЙСИ ДИНГА ЭЪТИҚОД ҚИЛМАСЛИК ҲУҚУҚИ БЕРИЛГАН. ДИНИЙ ТАШКИЛОТЛАР ВА БИРЛАШМАЛАРНИНГ ДАВЛАТДАН АЖРАТИЛГАНИ ҲАМДА УЛАРНИНГ ҚОНУН ОЛДИДА ТЕНГЛИГИ БЕЛГИЛАБ ҚЎЙИЛГАН.**

Давлатимиз раҳбари шу йил 8 май куни Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ва жамоатчилик фаоллари билан референдум якунларига бағишланган учрашувда ушбу масалага тўхталиб, бу борада аниқ ва холис позициясини билдирди. **"Ўзбекистон — дунёвий давлат ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Халқимизнинг референдум орқали билдирган хоҳиш-иродаси, қатъий танлови ҳам шу",** деди Президентимиз. Бундан буён ҳам миллати, тили, дини ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, ҳар бир фуқаронинг виждон эркинлиги таъминланиши, барча диний конфессиялар эркин фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилиши, мамлакатимизда миллатлар ва конфессиялар ўртасида тотувлик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш сиёсати изчил давом эттирилиши таъкидланди. Жамиятимизда ҳар қандай радикаллашувга, диндан сиёсий мақсадларда фойдаланишга ҳеч қачон йўл қўйилмайди.

Баён этилганлардан аниқ ва равшан кўриниб турибдики, жамиятимиз янгиланиши дастуридаги дунёвий давлат тушунчаси диннинг ижтимоий-маданий ҳаётдаги ролини асло инкор этмайди. Айни пайтда диний даъволар билан ниқобланган, аслида, холис диний эътиқодга мутлақ алоқаси йўқ, жамиятдаги ҳамжиҳатлик, миллатлараро ва динлараро тотувлик, ижтимоий-сиёсий барқарорликка таҳдид солувчи ҳар қандай уринишларга дунёвий давлат тузумининг мутлақо муросасиз эканини ҳам аниқ-равшан кўрсатиб туради.

Дунё миқёсида кескин тус олиб бораётган шиддатли рақобатга фақат замонавий илм-фан, юқори технологиялар ва инновация ютуқларини кенг жорий этиш орқалигина муносиб жавоб бера олишимиз мумкин. Илм олиш учун мана шундай улкан имкониятлар яратилган бир пайтда, айниқса, ота-оналар ўз фарзандларига тўғри маслаҳат бериб, улар соғлом ва бақувват ўсиб-улғайиши, илмли, маърифатли бўлиши учун ғамхўрлик кўрсатиши керак ва бу йўлда уларни доимо қўллаб-қувватлаб туриши лозим.

Кўпинча катталарнинг лоқайдлиги ва бепарволиги туфайли фарзандлар турли бўлмағур йўлларга кириб қолади, енгил-елпи яшашга ўрганади. Илмсизлик ва жаҳолат инсониятни тубанликка, ҳалокатга олиб боради. Дунёнинг ободлиги, бардавомлиги ва бахт-саодати ҳам илм, маърифат билан чамбарчас боғлиқлиги ҳаммамизга яхши маълум. Шунинг учун янги таҳрирдаги Конституциямизда белгиланган Ўзбекистоннинг дунёвий давлат, деган мақомидан унумли фойдаланишимиз, ёшларни замонавий билимлардан хабардор қилишимиз орқали мамлакатимиз фаровонлигига эришиш мумкин.

Кейинги йилларда умумтаълим, ўрта махсус ва олий таълим тизимида сезиларли ижобий ўзгаришлар юз берди. Давлатимиз раҳбари қарорига мувофиқ, мактабгача таълим тизими янгитдан шакллантирилгани, мактаб, академик лицейлар фаолияти такомиллашуви, нуфузли хорижий олий ўқув юртлари филиаллари очилиб, қабул квоталари кенгайтирилгани, устоз-мураббийларнинг моддий ҳамда маънавий рағбатлантирилгани жамиятда муаллимнинг обрў ва нуфузини оширди. Шунингдек, атоқли шоир-ёзувчилар номидаги ижод мактаблари, Президент мактаблари, Адиблар хиёбони ташкил этилди. Дарҳақиқат, жамият ҳаётида янгича қарашлар, ўзига хос ёндашувлар пайдо бўлмоқда. Масалан, умумий ўрта таълим босқичида касбга ўргатиш тизими меҳнат бозори талабларига мослаштирилмоқда. Олий таълимда ҳам назария ва амалиёт бирлигига эришиш, битирувчиларни иш билан таъминлаш борасида ҳаракатлар бошланган. Пировардида, ушбу ташкилий-ҳуқуқий ишларнинг натижаси Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотида тезроқ намоён бўлиши ва халқимиз фаровонлиги юксалишига хизмат қилажагига ишонамиз.

Ҳар бир мамлакатнинг тақдири муаллимга, таълим тизими сифатига боғлиқ. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, ўқитувчи — келажак бунёдкори! Илм ва маърифатсиз одам йўлини йўқотиши, орзуларини рўёбга чиқаришига ақли ва тажрибаси етишмаслигини тарихдан яхши биламиз. Шунинг учун давлатимиз раҳбарининг сиёсий иродаси туфайли ўқитувчининг жамиятдаги қадр-қиммати юксалмоқда, у дастёрлик ва мажбурий меҳнатдан озод этилди, унинг қадрини тўкмоқчи бўлганлар жазога тортиладиган бўлди.

Мактаб — билим маскани. Болалик ва ўсмирликда олинган билим умр бўйи инсонга дўст, ҳамроҳ бўлиб хизмат қилади. Илм — шахс такомили, тараққиёт йўли, демак. Алломаларимиз ёзадики, билимсизлик — барча ёмонликлар манбаи, билимсиз инсон ўзига энг катта ёмонликни тилаган бўлади. Бугунги ўқувчи ёки талаба, катта ёшдаги киши зеҳнли бўлса, мамлакатимиз ва жаҳонда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга холис баҳо беради ва ўз ҳаётини ўзгартиришга қодир бўлади.

Билимли, маърифатли, кенг фикрли бўлишнинг асосий омили китоб — баланд чўққини эгаллашга қўйилган нарвон. Бадиий, илмий китоб ўқиш нафақат дунёқарашни кенгайтиради, балки саводхонлигимизни ошириб, ёзма ва оғзаки нутқ бойишига сабабчи бўлади. Мутолаани яхши кўрадиган, маданиятли киши билан суҳбат қуриш, ўзаро фикр алмашиш барчага завқ, ҳузур бағишлайди. Китоб ўқимайдиган одам ўзининг эмас, атрофдагилар, кўчанинг фикри билан яшайди, бошқалар кўрсатмасига асосан ҳаёти қандай ўтиб кетганини билмай қолади. Ёмон кўчаларга кириб қолиши осон кечади.

Мустақиллик йилларида билим олиш, китобхонлик бобида айрим муаммоларга дуч келдик. Хусусан, мамлакатда юзага келган иқтисодий муаммолар мавжудлиги, одамларнинг кундалик ҳаёт эҳтиёжларидан маблағи ортмагани, таълим (мактаб, коллеж, институт) моддий базасининг заифлашгани, билимли, тажрибали ўқитувчилар таълим тизимидан кетиб қолгани, таълимнинг нуфузи анча тушиб кетиши оқибатида ўсмир-ёшларнинг унга эҳтиёжи сўниб боргани, қизиқиши камайгани, таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги алоқалар ривожланмагани, энг ачинарлиси, ёшлар кундалик ҳаёт кечириш муаммоларига ўралашиб қолгани, албатта, ўзининг салбий таъсирини кўрсатди.

Бугун мамлакатимизда яна китоб мутолааси маданиятини, нашр этиш ва тарқатиш ишини ривожлантиришга эътибор кучайгани замирида ҳам ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялаш масаласи ётибди. Шу ўринда савол туғилади. "Ўзбеклардан ҳам Нобель мукофоти совриндорлари чиқиши мумкинми?". Албатта, чиқади. Чунки жамиятда илмга, илмлиларга, ўқитувчиларга рағбат тизими яратиляпти. Юртимизда илк марта ташкил этилган Президент мактаблари, ижод мактаблари битирувчилари билими, ғайрати ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда, тез орада бу орзу-ниятларимиз амалга ошади, деган умиддамиз.

2019 йил 1 сентябрдан бошлаб мамлакатимизда Президент мактаблари очилди. Бундан кўзланган асосий мақсад таълим жараёнида илғор технологияларни қўллаш орқали иқтидорли болаларни аниқлаш ва ўқитиш тизимини шакллантириш, маънавий бой ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш кафолатларини таъминлашдан иборат. Бу мактабларга умумтаълим муассасаларининг тўртинчи синф битирувчилари орасидан қобилиятли ҳамда иқтидорли болалар танлов асосида қабул қилиняпти. Қабул Кембриж университети имтиҳон кенгаши (Буюк Британия) томонидан ўтказилмоқда. Энг муҳими, бугун хорижда таҳсил олиб, чет элларда ишлаётган иқтидорли ёшларни имкон қадар юртимизга қайтариш, уларни тегишли соҳаларда иш билан таъминлашга эришиш лозим. Бунинг учун ёшларда эл-юртга садоқат, ватанпарварлик, миллий қадриятларга ҳурмат руҳини юксалтирмоқ керак.

Миллатимиз нимага эришса ёки қайси жабҳада оқсаса, унинг илдизида маърифат ва таълим тараққиёти ёки оқсаши ётибди, деб айтиш мумкин. Шу боис, Президентимиз Шавкат Мирзиёев сиёсий иқтидорга келганидан сўнг таълим ва тарбия борасида мисли кўрилмаган ўзгаришларни амалга оширишни бошлади. Бунинг сабаби маълум: мактаб, университет — жамият устуни! Демакки, мамлакатимиз янги таҳрирдаги Конституцияда дунёвий давлат, деб эълон қилинган экан, таълим ва тарбия ҳам дунёвий бўлиши, дунёвий фанларни ўзлаштиришга бор кучимизни ташламоғимиз шарт.



www.yuz.uz
yuz.uznews
yuz_official
yuz.uz_news



ФОРУМ

# “ЎЗБЕКИСТОН КАМБАҒАЛЛИК МУАММОСИГА ОЧИҚ ҚАРАМОҚДА”

## ХАЛҚАРО ЭКСПЕРТЛАР БУНИ АЛОҲИДА ЭЪТИРОФ ЭТДИ



QR-кодни сканер қилиш орқали видеога ўтинг!

Бошланиши 1-бетда

Жорий йил 18 май куни пойтахтимиздаги “Hilton Tashkent City” меҳмонхонасида камбағалликни қисқартириш бўйича илғор тажрибаларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича бўлиб ўтган II Халқаро форумда ана шу масалалар ўртага ташланди. Мавзуга бефарқ бўлмаган кўплаб хорижлик меҳмонлар, хусусан, 100 дан ортиқ делегат юртимизда жам бўлди. Улар орасида камбағалликка қарши курашиш бўйича J-PAL глобал ташаббуси, БМТ, Жаҳон банки, ЮНИСЕФ ва бошқа халқаро ташкилотлар экспертларини кўриш мумкин. Айниқса, иқтисод бўйича Нобель мукофоти совриндори, камбағалликни қисқартириш бўйича J-PAL глобал ташаббуси ҳаммуассиси Абхижит Банержининг форумдаги иштироки ҳамда мавзуга доир тақдимоти кўпчиликда қизиқиш уйғотди.

— Камбағалликни қисқартиришнинг энг яхши йўли, аввало, ўша минтақадаги камбағаллик омилларини ўрганиш ва аниқ ташхис қўя олишдан иборат, — дейди Абхижит Банержи. — Чунки ушбу долзарб масаланинг ечими тўғри тажриба ва методларни қўллашга боғлиқ. Масалан, аҳолининг турмуш сифатини оширишда таълим жуда катта ўрин тутади. Ҳар бир давлатнинг ўз таълим босқичлари бўлиши керак, аммо ҳар қандай ҳолатда ҳам фуқароларга бошланғич таълим берилиши зарур. Тўғри, ҳозирги даврда техник таълим ҳам муҳим, аммо бошланғич ва умумий ўрта таълим яшаш сифатини таъминлаб беради. Камбағалликка қарши курашиш усуллари ҳар бир давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатидан келиб чиқиб белгиланади. Ўзбекистон Хитой тажрибасини қўллаётганига келсак, бу кутилган натижани бериши мумкин. Чунки Хитой ўзининг ижтимоий жиҳатини жуда яхши билади. Масалан, аҳолига уй керак бўлса, уй қурилишини оширади, тиббий ёрдам зарур бўлса, тиббиётни ривожлантиришга интилади. Гап шундаки, улар ташхисни тўғри қўяди ва шунинг учун қўллайдиган усуллари натижа беради. Ўйлайманки, Ўзбекистон ҳам бунинг уддасидан чиқа олади.

Халқаро форум қизғин мавзулардаги панел сессиялар тарзида давом этди. Уларда Жорж Вашингтон университетининг фаровонлик иқтисодиёти ва камбағалликни ўлчаш бўйича иқтисод профессори Жеймс Фостер, Оксфорд камбағалликка қарши курашиш ва инсон капиталини ривожлантириш ташаббуси директори Сабина Алькайр, Осиё тараққиёт банки вице-президенти Шичен Чен ва бошқа нуфузли экспертлар маъруза қилди. Улар учрашувларда камбағалликка қарши курашиш бўйича илғор усулларни ўрганиш, яқин йилларда кўп ўлчовли камбағалликка барҳам беришда мувофиқлашган комплекс ёндашув, инсон капиталини такомиллаштириш орқали меҳнат бозорида ўқитиш дастурлари сифатини ошириш каби долзарб мавзуларни ўртага ташлади.

Очиғи, камбағалликка қарши курашиш борасида жаҳоннинг илғор тажрибалари ва қўлланилаётган усуллар ҳақида тинглаш иқтисодчи бўлмаганлар учун ҳам қизиқ. Аммо мутахассислар ана шу методларнинг натижалари билан кўпроқ қизиқади. Шу боис, форум доирасида халқаро экспертлар ривожланаётган мамлакатларда тўпланган тажрибани янада оммалаштириш мақсадида камбағалликка қарши курашиш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга оширишда Ўзбекистон эришган ютуқларнинг усуллари ва натижалари, жумладан, самарадорлигини кўриб чиқди.

— Камбағаллик бугунги куннинг энг кескин ва долзарб муаммоларидан биридир, — дейди Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари Жамшид Қўчқоров. — Сўнгги 30 йилда дунёда ўта ночор одамлар сони қисқариб бораётганига қарамай, коронавирус пандемияси аҳолининг заиф қатламига сезиларли таъсир кўрсатди ва бу, ўз навбатида, қашшоқлар сони ортишига олиб келди. Унинг оқибатида юзага келган инқирозлар Ўзбекистонда ҳам камбағалликни қисқартириш бўйича жиддий чоралар кўришни тақозо этмоқда. Ўтган йили юртимизда камбағаллик кўрсаткичи 17 фоиздан 14 фоизга тушди. Шу ўринда буниманинг ҳисобига, деган савол туғилади. Биринчи навбатда, иқтисодий ўсиш ва барқарор ривожланиш ҳисобига. Иккинчи муҳим йўналиш эса фаол ижтимоий сиёсатдир. Халқаро форум доирасида юртимизда меҳмон бўлган хорижлик экспертлар Ўзбекистоннинг бу борадаги ютуқларини эътироф этиш баробарида қайси асосий йўналишларни белгилаб олгансизлар, деб савол берди. Албатта, уларни санаб бердик: булар, биринчи галда, қишлоқ хўжалигида унумдорликни ошириш, қишлоқларда тадбиркорликни ривожлантиришдан иборат. Қолаверса, қишлоқ жойларда саноатни ривожлантириш, инфратузилмани яхшилаш, урбанизация жараёнларини фаоллаштириш йўналишларида ҳам чет эллик ҳамкорларимиз билан доимий иш олиб бориляпти.

Ўзбекистон камбағалликка қарши курашиш бўйича жаҳон тажрибасини ўрганиш баробарида ўзигагина хос бўлган моделни яратишга ҳам эришди, десак хато бўлмайди. Буни сўнгги йиллардаги саъй-ҳаракатлар ва натижалар ҳам кўрсатиб турибди. Ҳудудларда янги иш ўринлари яратиш, аҳолининг барча қатлами доимий даромад манбаига эга бўлишига кўмаклашиш, касб-ҳунар, илм эгаллашига катта эътибор қаратилмоқда. Биргина ўтган йилда 200 мингга яқин тадбиркорлик субъекти ташкил этилиб, 10 мингта корхона фаолияти кенгайтирилгани, 11 мингта корхона қуввати тиклангани бунинг бир мисоли.

Тадбиркорликни йўлга қўйиб олган юртдошларимиз бошқаларни ҳам иш билан таъминлаяпти, даромади ошиб, мамлакат иқтисодиёти ривожига ҳисса қўшмоқда. Халқаро форум доирасида одамларни иш билан таъминлаб, камбағалликнинг қисқаришига кўмаклашаётган ишбилармонлар ўз маҳсулотлари, ишларини намоён этишига шароит ҳозирланди.

— 25 йилдан буён каштачилик билан шуғулланаман, — дейди тошкентлик Нилуфар Мусажонова. — Маҳаллаларда бу ҳунарга қизиқадиган хотин-қизлар кўп. Уларнинг 20 нафарини касаначилик асосида иш билан таъминлаганман. Кўпчилиги кам таъминланган, “Аёллар дафтари”га кирган хотин-қизлар эди, бугунги кунда улар ўзини ўзи банд қилган фуқаролар сифатида яхшигина даромад топишяпти. Ҳам уй ишини уддалаб, ҳам рўзғорига барака олиб киряпти. Миллий ҳунармандлик маҳсулотларимизни ички бозордан ташқари Туркия, Озарбайжон ва Ҳиндистонга ҳам экспорт қиляпмиз.

Камбағалликнинг асоси кўпгина омилларга бориб тақалади. Ҳеч ким қашшоқ бўлиб яшашни истамайди, тирик жон борки, яхши яшаш учун курашади. Аммо ҳаётнинг қайсидир палласида қилинган арзимас хато ёки лоқайдлик камбағалликка олиб келиши мумкин. Натижада инсон ёки оила тўкис ва фаровон ҳаёт кечириш имкониятидан узоқлашиб боради. Абхижит Банержининг таъбири билан айтганда, “Камбағаллик шунчаки пул етишмаслиги эмас, бу инсон сифатида ўз имкониятларингни тўла рўёбга чиқара олмаслигингдир”.

Шу боис, инсон омили бирламчи ўринга чиқарилган мамлакатимизда камбағалликка қарши жиддий курашилмоқда. Бунда ҳар бир фуқаро қонуний ҳуқуқи бўлган барча имкониятлардан тенг ва кераклича фойдаланиши учун шароитлар яратиш мақсад қилинган. Халқаро форум доирасида имзоланган йирик ҳамкорлик битимлари ва қатор ҳужжатлар мазмун-моҳияти ҳам шу мақсадларга йўналтирилгани билан аҳамиятлидир.

**Ирода ТОШМАТОВА,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

НУҚТАИ НАЗАР

# ТАДБИРКОРЛИК РУҲИ — ФАРОВОН ҲАЁТ АСОСИ

## БУНДА “ИНСОН ҚАДРИ УЧУН” ТАМОЙИЛИ ҲАР БИР ОИЛАГА КИРИБ БОРИШИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

**Жамшид ОБРЎЕВ,**
**камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири ўринбосари**



Бошланиши 1-бетда

Бу рақамлар бир қарашда оддийдек туюлади. Аммо уларнинг замирида катта ислоҳотларнинг ҳаётбахш ифодаси борлигини камбағалликдан чиққан оилалар, бу жараёнга масъул бўлган фидойи инсонлар яхши билади.

Энг муҳими, камбағалликни қисқартиришнинг ўзига хос йўли ортга қайтмас тус олди. Боиси, халқимизнинг қизғин қўллаб-қувватлови билан қабул қилинган янги таҳрирдаги Конституциямизга кўра, эндиликда **“Давлат фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, уларни ишсизликдан ҳимоя қилиш, шунингдек, камбағалликни қисқартириш чораларини кўради”.**

Давлатимиз раҳбарининг йиғилишда берган топшириқларидан келиб чиқиб, бу борада амалга оширилаётган ишларни таҳлил қилиш ва ўзимиз учун бир қатор вазифаларни белгилаб олиш имкони бўлди.

Камбағалликни камайтириш бу — аҳолида тадбиркорлик руҳини уйғотиш, уларни касбга тайёрлаш ва янги иш ўринларини кўпайтиришга қаратилган комплекс вазифадир.

Очиқ айтиш керак, авваллари “камбағаллик” сўзи сиёсий таомилимизда бўлмаган. Бу масала Ўзбекистонда илк бор 2020 йилда давлат сиёсати даражасида қайд этилди ва халқаро тажрибалардан келиб чиққан ҳолда, қисқа муддат ичида соҳанинг норматив-ҳуқуқий асослари яратилди.

Тўғри, ҳар ким фаровон ҳаёт кечирсам, турмушда кам-кўстим бўлмаса, деб орзу қилади ва шунга интилади. Бу табиий жараён. Аммо инсон оддий минимал яшаш шароитисиз бахт тугул, хотиржамликка ҳам эриша олмайди. Ахир “қорнимни тўйғазсам, эгнимни бутласам, бетоб яқинимга дори олсам”, деган ўй-ташвишлар гирдобида турмуш кечирадиган инсонларни ҳаётдан рози, деб бўладими?

Давлатимиз раҳбари қайд этганидек, бунинг учун, энг аввало, аҳолини касбга ўқитиш, молиявий саводхонлигини ошириш, одамларда тадбиркорлик ҳиссини уйғотиш, фарзандларини билимли-ҳунарли қилиш, инфратузилмани яхшилаш, сифатли даволаниш, манзилли нафақа тўлаш тизимини жорий қилиш керак. Ўтган қисқа фурсат ичида бу борада ўзига хос тажриба тўпланди. Бунда бевосита камбағалликни қисқартириш борасида халқаро ташкилотлар **(БМТ Тараққиёт дастури, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, ЮНИСЕФ ва бошқа),** молиявий институтлар **(Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки)** ҳамда ушбу йўналишда илғор тажрибага эга мамлакатлар **(Хитой камбағалликни қисқартириш халқаро маркази)** билан мустаҳкам алоқалар ўрнатилди.

Камбағалликни қисқартириш борасида бир мамлакат тажрибасини бошқа мамлакатда айнан қўллаш имконияти, яъни ягона андозаси мавжуд эмас. Бу эса Ўзбекистонда ҳам халқаро тажрибани инобатга олган ҳолда, аҳолининг эҳтиёжманд қисмини қўллаб-қувватлашнинг ўзига хос тизимини яратишни тақозо этди. Хусусан, камбағаллик даражасини белгилашда янги мезон — минимал истеъмол харажатлари жорий этилди. Бу ижтимоий тўловлар ва имтиёзларнинг минимал даражасини қайта кўриб, чиқишга имкон берди. Натижада оилани кам таъминланган, деб эътироф этишда қўлланиладиган ва жон бошига тўғри келадиган бир ойлик даромад мезони минимал истеъмол харажатларига тенглаштирилади.

“Ижтимоий ҳимоя реестри” ахборот тизими жорий этилиб, давлат ижтимоий хизмат ва ёрдамларини мазкур тизим орқали тақдим этиш амалиёти жорий қилинди. Натижада 2017 йилда кам таъминланган 500 минг оила ижтимоий ёрдам олган бўлса, бугунга келиб 2 миллион 300 минг муҳтож оила, хотин-қизлар, ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган фуқаролар моддий ёрдам билан қамраб олинди. Ажратилаётган маблағлар етти баробар кўпайтирилиб, йилига 11 триллион сўмга етди.

Камбағалликни қисқартиришнинг энг асосий омили — аҳолини даромадли иш билан таъминлаш саналади. Шу асосда камбағал ва ишсиз фуқароларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш ва касб-ҳунарга ўқитиш мақсадида ҳар бир ҳудудда “Ишга марҳамат” мономарказлари, касб-ҳунарга ўқитиш марказлари, қисқа муддатли касб-ҳунарга ўқитиш курслари ташкил этилди. “Маҳаллабай” ишлаш тизими орқали эса ҳар бир маҳалланинг “ўсиш нуқтаси” аниқланди. Шу асосда уларда оилавий тадбиркорлик, томорқачилик ривожлантирилди. Маҳаллаларда ҳоким ёрдамчилари институти жорий этилиб, одамларнинг бевосита маҳалланинг ўзида ишли, ҳунарли бўлишига эътибор қаратилди. Натижада ҳоким ёрдамчилари орқали субсидиялар ажратиш, иш билан таъминлаш, касбий тайёргарликка жалб қилиш ва бизнес юритиш асослари орқали қарийб 2,2 миллион кишининг бандлиги таъминланди.

Умуман олганда, амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида мамлакатимизда ишсизлик даражаси 8,9 фоизга, камбағаллик даражаси кўрсаткичи 17 фоиздан 14,1 фоизга тушди.

Кўриниб турибдики, соҳада дастлабки қадамларданоқ салмоқли ишлар амалга оширилди. Бироқ тан олиб айтиш ҳам керак, бугунга келиб камбағалликни қисқартириш, бандликни таъминлаш, маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ишларни яхлит тизим асосида олиб бориш зарурати кун тартибига чиқди. Вазифалар 4-5 та вазирлик, ташкилотлар ўртасида тақсимлангани уларни бир бутунликда амалга ошириш имконини бермас, айрим қийинчиликларни юзага келтираётганди. Шу боис, маъмурий ислоҳотлар доирасида камбағалликни қисқартиришга масъул бешта идора яхлит тизимга бирлаштирилди. Эндиликда меҳнат ресурслари ва ишсизлик ҳисобини юритиш ҳам, бандликка кўмаклашиш ва тадбиркорликни “маҳаллабай” ривожлантириш ҳам битта — Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги тизимида амалга оширилиши белгиланди.



Ҳақли савол туғилади: **яхлит тузилма ташкил этилган экан, эндиликда камбағалликни қисқартириш, бандликни таъминлаш борасидаги ишлар қандай йўлга қўйилади? Бу борада вазирликнинг қандай асосий вазифалари бор? Шу ҳақда қисқача тўхталиб ўтсак.**

Камбағалликни камайтириш ойлик ёки нафақа миқдорини кўпайтириш, ёппасига кредит бериш билан ҳал этилмайди. Бунинг учун пухта ўйланган, реал ҳаётга мос дастурлар керак. Акс ҳолда, кўзланган мақсадга эришиш мушкул. Шу боис, энг аввало, камбағалликни қисқартириш соҳасида тегишли стратегия дастурлари ишлаб чиқилиб, амалга оширилади. Бунда давлат бошқаруви органлари, халқаро молия институтлари, нодавлат нотижорат ҳамда хорижий молия ташкилотлари билан ҳамкорлик кучайтирилади.

Ҳудудларнинг салоҳияти камбағал аҳоли даромадини оширишга сафарбар этилади. “Маҳаллабай” ишлаш тизими орқали камбағал аҳоли билан манзилли ишлар олиб борилади. Камбағалликни қисқартиришнинг аниқ дастур ва механизмлари, хориж тажрибасини инобатга олган ҳолда, камбағаллик даражасини аниқлаш мезонлари ва баҳолаш услубиёти, ижтимоий таъминотнинг минимал стандартлари меъёрий асослари ишлаб чиқилади. Бу орқали мамлакатимизнинг айни йўналишдаги ўзига хос тажрибаси яратилади.

Жорий йил 1 июндан бошлаб “20 минг тадбиркор — 500 минг малакали мутахассис” дастури амалга оширилади. Унда иштирок этиш ихтиёрий. Дастурга 2023-2024 йилда жами 1 миллиард доллар ажратилади. Бу маблағлар ҳисобидан тадбиркорга камбағал оилалар аъзосини касбга ўқитиб, ишли қилишига қараб, амалдагидан паст фоизларда ва узоқроқ муддатли кредит берилади. Тадбиркорнинг “амалий мономарказ” ташкил қилиш ва жиҳозлаш ҳамда касбга ўқитиш харажатлари тўлиқ қоплаб берилади.

Вазирлик тасарруфидаги ахборот тизимлари маълумотлар базалари негизида ҳар бир оиланинг ягона рақамли паспорти ишлаб чиқилади. Иккинчи босқичда уларни камбағалликдан чиқариш бўйича индивидуал дастурлар тузилади. Учинчи босқичда манзилли равишда оила учун касб-ҳунарга ўқитиш, тадбиркорлик лойиҳалари амалга оширилади.

Бу бизга нима беради? Ҳар бир оилага тегишли маълумотларни шакллантириш орқали уларнинг яшаш шароити, қизиқишлари, эҳтиёжларини ўрганиш асносида ўқитиш, улар учун алоҳида тадбиркорлик лойиҳалари ишлаб чиқиш натижасида даромадли меҳнатга жалб қилиш имконияти яратилади. “Маҳаллабай” ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш соҳасида аҳолини даромадли меҳнат билан қамраб олиш кўрсаткичи ошади. Ҳоким ёрдамчилари фаолияти мувофиқлаштирилиб, тадбиркорликни муҳим “драйвер”га айлантиришда янги ёндашувлар амалиётга жорий этилади. “Маҳаллабай” ишлашнинг вертикал тизими асосида ҳар бир маҳалладаги иқтисодий ҳолат “хонадонбай” ўрганилади. Жумладан, аҳолининг бандлик даражаси, оилаларнинг даромад манбалари, томорқа ерларидан фойдаланиш ҳолати ҳамда самарали меҳнатга бўлган интилишлари ва эҳтиёжлари таҳлил қилинади.

Меҳнат ресурслари баланси шакллантирилиб, меҳнат ҳуқуқлари ҳимоя қилинади, миллий малака тизими ривожлантирилади. Шу орқали жорий йилда 5 миллион аҳоли бандлигини таъминлаш, шу жумладан, 2 миллион доимий иш ўрни яратиш режалаштирилган. Ишсиз, банд бўлмаган ёшлар, ногиронлиги бўлган шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизими тубдан такомиллаштирилади.

Ишга жойлаштириш жараёнига илғор ахборот технологиялари фаол жалб қилинади, миллий меҳнат тизими ва вакансиялар миллий базасини юритишни назарда тутувчи дастурий мажмуа яратилади. Меҳнат, бандлик ва меҳнат миграцияси соҳасида халқаро ҳамкорлик янада мустаҳкамланади.

Аслида, даромад манбаларининг камлиги ёки етишмаслиги одамларни, оилаларни камбағалликка етакловчи асосий муаммолардан бири ҳисобланади. Шунинг учун камбағаллик даражасида яшаётган фуқароларни даромадли иш билан таъминлаш, уларга имконият ва ёрдам бериш камбағалликдан чиқариш учун энг мақбул йўл саналади.

Жорий йилнинг 25 январь куни Президентимиз раислигида бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида барча вилоятларда камбағалликни қисқартириш бўйича амалий ишларни ташкил қилиш, бандлик дастурларини туманлар кесимида қайтадан кўриб чиқиш вазифаси қўйилди. Бу орқали бандлик дастурлари иқтисодиётнинг барча йўналишларидаги дастурлар билан узвий боғланади. Шунда бу дастурлар реал, ҳаётий бўлади. Зеро, дастурларда нореал рақамлар акс этса-ю, ҳаётда ўзгариш бўлмаса, бундан фойда йўқ.

Жорий йил 10 май куни Президентимиз иштирокида ўтган камбағалликни қисқартириш ва бандликни ошириш чора-тадбирлари тақдимотида бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқиш чоралари муҳокама қилинди. Аввало, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳудудларда янгича ишлаши кераклиги таъкидланди. Вазирликни халқчил тизимга айлантириш, иш изловчи ва иш берувчи ўртасида ҳақиқий кўприк бўлиш, 100 дан ортиқ ижтимоий хизматларни бевосита маҳалланинг ўзида йўлга қўйиш бўйича топшириқлар берилди.

Маълумки, камбағалликни қисқартириш бўйича Хитой тажрибаси эътиборга молик. Буни ўрганиш ва янги ёндашувларни ишлаб чиқиш учун яқинда мамлакатимиз делегацияси Хитойда бўлиб қайтди. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигига хитойлик экспертлар жалб қилинди. Энди Хитой тажрибаси асосида ҳар бир вилоятда биттадан туманда камбағалликдан чиқариш бўйича алоҳида дастур амалга оширилади. Бунда камбағаллик юқори бўлган туманларда йўл-транспорт, электр, алоқа ва туризм инфратузилмасини яхшилаш, кичик ва ўрта шаҳарларни ривожлантириш, маҳаллаларни саноатлаштиришга эътибор қаратилади.

Айтиш жоизки, маҳалла институтини ривожлантириш жамиятимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муҳим йўналишидир. Бу борада маҳаллани жамоатчилик бошқаруви ва назоратининг таянч бўғинига айлантиришга алоҳида эътибор қаратиляпти. Унинг маҳаллий муаммоларни ҳал этишдаги мустақиллигини таъминлаш, “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойилини кенг жорий этиш борасида иш олиб борилмоқда. Маҳалла бошқарувида жамоатчилик иштирокини кучайтириш орқали “фуқаро — жамият — давлат” тамойили изчил жорий этилаётир. Ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришда фуқаролар йиғинлари билан яқин ҳамкорлик ўрнатиляпти. Фуқаролар йиғинларининг жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги ўрни кучайтирилмоқда. Маҳалла ходимларини уларнинг вазифалари ва фаолият йўналишлари билан боғлиқ бўлмаган йиғилиш ва тадбирларга жалб қилиш, фаолиятига асоссиз аралашиш, тааллуқли бўлмаган вазифаларни юклаш тақиқланади. Ҳар чоракда ижро этувчи ҳокимият органлари, тегишли ташкилотлар раҳбарларининг маҳаллалар фаолияти соҳасига кирувчи масалалар юзасидан ҳисоботлари эшитилади.

Маҳалла, бу — давлатнинг замини, деб қайд этган эди давлатимиз раҳбари.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатлами эса доимий эътиборда. Кўзланган мақсад аниқ: ҳар бир инсон давлатимизнинг ижтимоий кўмак ва ғамхўрлигини ўз ҳаётида чинакам ҳис этиши керак. “Инсон қадри учун” тамойили ҳар бир оилага кириб бориши лозим. Одамлар ўз маҳалласида ишли, касб-ҳунарли бўлиши, рўзғорига барака киритиши зарур. Олдимиздаги вазифаларнинг энг асосийси мана шулардан иборат.



ТАЪЛИМ

# ОЛИЙ ТАЪЛИМ РАВНАҚИДАГИ ЭНГ МУҲИМ ЖИҲАТ

**Халқаро ҳамкорлик, дунёнинг турли мамлакатларида жойлашган олий ўқув юртлари билан узвий алоқалар таълим муассасалари фаолиятидаги энг муҳим йўналишлардан биридир. Шу боис, Наманган муҳандислик-қурилиш институтида бу жиҳатга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

**Шарифжон ЭРГАШЕВ,**
**Наманган муҳандислик-қурилиш институти ректори**



Бугунги кунда институт 40 дан ортиқ халқаро ҳамкорлик шартномаси ва меморандум имзолаган. Мамлакатлар жўғрофияси эса Италия, Чехия, Россия, Хитой, Беларусь, Туркия, Польша, Испания, Малайзия, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Қозоғистон ва Қирғизистон каби давлатларни ўз ичига олади.

Ҳамкорлик ришталари ўрнатилган олий ўқув юртлари қаторидан Чехия табиий фанлар университети, Гранада университети, Болонья университети, Малая университети, Қозон федерал университети, Жанубий Урал давлат университети, Беларусь миллий техника университети, Бауман номидаги Москва давлат техника университети ва Қирғиз-Турк Манас университети каби нуфузли ОТМлар ўрин олгани қувонарли.

Олий таълим муассасамиз 2022 йил давомида Ҳиндистон билан алоқаларни мустаҳкам йўлга қўйганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Жумладан, май ойида ушбу давлатнинг мамлакатимиздаги элчихонаси кўмагида институтда Ҳиндистон хонаси очилди. Мазкур хонада Ҳиндистон тарихи, адабиёти, урф-одат ва анъаналарига оид китоблар, қўлланмалар, расм, фото ва видеоманбалар мавжуд. Шунингдек, яқинда институтимиз делегацияси Ҳиндистонда бўлиб, Субхарти ва Мангалам университетлари фаолияти билан танишди, талабалар ва профессор-ўқитувчилар алмашинуви, ёзги мактаблар ташкил этилишини кўзда тутувчи шартномалар имзолаб қайтди.

Ўтган йилнинг аҳамиятли воқеаларидан бири — қўшма таълим дастури доирасида Қозон федерал университетининг Набережние Челни институтида таҳсил олган талабаларимизнинг диплом ҳимояси бўлди.

Институт профессор-ўқитувчиларининг чет элдаги кўплаб олий ўқув юртларида маъруза қилиши одатий ҳолга айланиб бормоқда. Вакилларимиз Чехия табиий фанлар университети, Болонья университети, Қозон федерал университети, Жанубий Қозоғистон давлат университети каби нуфузли олий ўқув юртлари талабаларига маъруза қилди. Ўтган йилнинг ўзида 80 нафарга яқин профессор-ўқитувчи ва талабамиз малака ошириш, стажировка ўташ, тажриба алмашиш ва маъруза ўқиш учун хорижда бўлиб қайтди.

Ўз навбатида, ўтган йили АҚШ, Германия, Жанубий Корея, Словакия, Туркия, Чехия, Малайзия, Россия, Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистон олий таълим муассасаларидан 100 нафарга яқин профессор-ўқитувчи талабаларимизга семинар-тренинг, маъруза, амалий машғулот ва маҳорат сабоқлари ташкил этиш учун институтимизга ташриф буюрди.

Халқаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш учун турли лойиҳа ва грантларда фаол иштирок этяпмиз. Жумладан, Европа Иттифоқининг "Эрасмус+" дастури доирасида Чехия табиий фанлар университетининг бир гуруҳ профессор-ўқитувчилари институтимизга келиб, талабаларга сабоқ берган бўлса, НамМҚИ делегацияси Чехияда бўлиб, ушбу университет талаба-ёшлари билан учрашди ва маърузалар ўқиди. Мазкур дастур доирасида институтимиз вакили Испаниянинг Гранада университетида малака ошириб қайтди.

Турли халқаро форум ва анжуманлар ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкам йўлга қўйиш имконини беради. Ўзбекистон — Россия, Ўзбекистон — Буюк Британия таълим форумлари, Ўзбекистон — Жанубий Корея ректорлар форуми каби тадбирларда иштирок этиш бу борада муҳим силжишларга эришишга хизмат қилади.

Халқаро ҳамкорлик йўналишидаги бу каби натижалар институт мақоми ва мавқеини мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнамоқда. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Британия Кенгаши билан ҳамкорликда Change Academy Higher Education for employability дастури доирасида олий таълим муассасаларида таълим сифатини оширишга йўналтирилган лойиҳа учун танловда институт жамоаси ғолиб бўлди. Жамоага жорий йил 4-6 июль кунлари Буюк Британиянинг Кееле университетида ташкил этиладиган халқаро конференцияда қатнашиш имконияти берилди.

НамМҚИ олий таълим муассасаларининг нуфузли халқаро рейтинги ҳисобланган Times Higher Education агентлигининг 2022 йил учун Impact рейтингида 110 та давлатдан 1500 дан ортиқ университет ўртасида муносиб ўрин эгаллади ва шундай натижани қўлга киритган Ўзбекистон ОТМлари 30 талигига кирди.

Ушбу агентликнинг World University Rankings рейтингида эса "репортёр" мақомида қайд этилди ва топ-1000 талик рейтингдан жой олиш учун даъвогарлар рўйхатига қўшилди.

Институтимиз жамоаси бу ютуқлар билан кифояланиб, ҳаракатдан тўхтаб қолиш ниятида эмас. Олдимизга истиқболли режалар қўйилган ва катта марралар олинган. Юртимизда олий таълим соҳасига берилаётган эътибор ва кўмак ушбу режаларни тўлатўкис амалга ошириш имконини беради.



ИННОВАЦИЯ




**Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясида инновацион фаолият субъектлари ва тадбиркорлик натижалари асосида ташкил этиладиган иш ўринлари, ички ва ташқи бозорда тижорийлаштириш орқали яратилган ишланмалар сонини кўпайтиришни назарда тутувчи қатор вазифалар белгиланган. Улар ижросини таъминлаш, илм-фанни ривожлантириш ва илмий тадқиқотчиларни қўллаб-қувватлаш учун 2018 йилдан буён мунтазам равишда "InnoWeek.Uz" халқаро инновацион ғоялар ҳафталиги ўтказиб келинмоқда.**

# АНТИБИОТИККА МУҚОБИЛ ПРЕПАРАТДАН УНИВЕРСАЛ БОҒЛАМГАЧА

## Истиқболли, тежамкор ва халқчил лойиҳалар

**Жамолиддин БОБОХОНОВ,**
**Инновацион ривожланиш агентлигининг тижоратлаштириш ва технологиялар трансферини ривожлантириш бошқармаси бошлиғи**



Мазкур ҳафталик мамлакатимиздаги илмий-инновацион ишланмалар ҳамда илм-фан ютуқларини намойиш этиш, инвестиция жалб қилишда катта имкониятлар яратмоқда. Унда олимларимиз томонидан яратилган турли қизиқарли лойиҳалар намойиш этилиб, бир қатор ижобий натижаларга эришиляпти. Жумладан, "Ҳудудий инновациялар", "Технологиялар трансфери" ва "Янги инновациялар" каби бурчаклар ташкил этилиб, тиббиёт, фармацевтика, қишлоқ хўжалиги, биотехнология, қурилиш, кимё соҳаларига оид энг янги ишланмалар йиғилганлар эътиборига ҳавола қилинмоқда. Айни пайтда уларнинг аксарияти ишлаб чиқаришга жорий этилиб, дастлабки самараларини берди.

Шундай истиқболли ишланмалардан бири "Порлоқ пахта нави толасидан ҳамда йигириш жараёнидаги чиқиндилардан йигирувбоп тола ажратиб олиш асосида янги трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш" лойиҳаси бўлиб, уни тижорийлаштиришга Инновацион ривожланиш агентлиги 1,388 миллиард сўм маблағ ажратди. Айни пайтда лойиҳа доирасида Чуст тумани маҳаллаларидаги 7 нафар фуқаро иш билан таъминланиб, умумий ҳажми 90 миллион сўмлик дастлабки синов-тажриба маҳсулотлари маҳаллий бозорга етказиб берилди.

Навбатдаги лойиҳа асосида Тошкент вилояти Оҳангарон туманидаги она асалариларни сунъий усулда етиштириш ва уруғлантиришга ихтисослашган корхоналардан бири иш бошлади. Ўтган йили корхонада 2000 килограмм асал, 5 килограмм гулчанги ва 1,5 литр асалари сути етиштирилган. 2023 йилда эса сунъий усулда она асалариларни етиштириб, сунъий усулда уруғлантириш ҳамда аҳоли хонадонлари ва асаларичилик хўжаликларига тарқатиш режалаштирилган.

Қолаверса, яна бир МЧЖ корхонаси "Ўсимлик ёғларини переэтерификация қилиш усули билан сут ёғи ўрнини босувчи ёғлар ишлаб чиқариш технологиясини яратиш ва амалга ошириш" лойиҳаси устида иш бошлаган. Лойиҳа доирасида маҳаллий хомашёлардан фойдаланган ҳолда, ўсимлик ёғини переэтерификация қилиш (ёғларнинг ўзаро реакцияга киришуви натижасида янги эфирларнинг ҳосил бўлишли) технологияси жорий этилиб, импорт ўрнини босувчи ёғ-мой маҳсулотларининг янги турлари, сут ёғи ўрнини босувчи махсус ёғ ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Ёғ кислоталари билан бойитилган, маҳаллий ўсимлик мойларидан олинган рецептлар асосида яхшиланган органолептик хусусиятларга эга маргарин ишлаб чиқариш технологияси жорий этилади. Бундай ёғларни олиш технологияси илгари юртимизда мавжуд бўлмаган.

Шунингдек, тиббиётга оид лойиҳаларнинг тижорийлашуви ҳам ижобий самарага эга. Масалан, тиббиётда кенг қўлланадиган антибиотиклар одамнинг иммун тизимига кескин таъсир кўрсатса-да, кўп ҳолларда ҳомиладор ва эмизикли аёлларга тавсия этилмайди. Шу сабабли антибиотикка муқобил, безарар ва самарали дори-дармонларни яратиш ва ишлаб чиқариш долзарб вазифадир. Дунё олимларининг фикрича, микроорганизмлар келтириб чиқарадиган юқумли касалликларни даволашда бактериофаглар антибиотикка муқобил препарат бўлиши мумкин.

Бактериофаглар антибиотик ўрнини босувчи восита бўлиб, ножўя таъсирга эга эмас. Уларни ҳомиладор аёллар, эмизикли оналар, ҳар қандай ёшдаги болалар, ҳатто муддатидан олдин туғилган чақалоқларда ҳам қўллаш мумкин. Препаратнинг асосий афзаллиги шундаки, уни ишлаб чиқаришда юртимизда кенг тарқалган касаллик тарқатувчи микроорганизмлардан фойдаланилган. Шу сабабли самарадорлиги чет элдан келтирилган препаратларникига қараганда анча юқори. Бу, ўз навбатида, шу пайтга қадар мамлакатимиз эҳтиёжи учун импорт қилинаётган иммунобиологик препаратлар ҳажмини қисқартириш билан бирга валюта сарфини тежаш имконини беради. Бундай бактериофаг препаратлар нафақат дорихоналаримизда сотилмоқда, балки чет элга экспорт ҳам қилинмоқда.

Жағ соҳасида синиш бўлган беморларни даволашни оптималлаштирадиган универсал оригинал боғлам ҳам эътиборга молик лойиҳалардан биридир. Ушбу маҳсулотни оммавий ишлаб чиқариш жағ соҳасида синиш бўлган беморнинг вақтинчалик ва якуний транспорт иммобилизацияси муаммосини тўлиқ ҳал қилади. Бу даволаш учун тавсия этилган муолажа вақтини 5 кун қисқартиради. Маҳсулот хориждан келтирилаётган муқобилларидан 3 баробар арзон ва 90 фоиз клиник ҳолларда мос келади.

Бундан ташқари, кўз косасининг пастки девори жароҳатланиши ва нуқсонларини индивидуал 3D моделлаштирилган имплант ёрдамида бартараф этиш лойиҳаси ҳам тижорийлаштиришга йўналтирилди. Унинг аҳамиятли томони шундаки, моделлаштирилган имплант қўлланганда жарроҳлик амалиётидан кейин беморларнинг реабилитация вақти қисқаради. Шунинг ҳисобига беморларнинг меҳнат қобилияти 1,6 баробар ошгани кузатилди.

"Фитопассит" тинчлантирувчи дорисини ишлаб чиқариш лойиҳаси ҳам истиқболли ишланма сифатида баҳоланди. Уни амалга ошириш натижасида асаб тизимининг функционал фаоллигига тинчлантирувчи, невроз, таъсирчанлик, хавотирланиш, қўрқув, толиқиш, паришонхотирлик билан кечувчи ҳолатлар, нерв қўзғалиши, уйқусизликда қўлланадиган препарат яратилди. У олти хил маҳаллий доривор ўсимлик (арслонқуйруқ ўти, валериана илдизпояси, наъматак меваси, дўлана меваси, қора зира меваси, оддий қўлмоқ)дан олинади.

Ушбу препарат ҳозир чет элдан келтирилаётган тинчлантирувчи дорилар ўрнини босади ва таннархи 3-4 баробар арзонлиги туфайли иқтисодий самара келтиради. Шу билан бирга, келгусида экспорт имкониятини беради.

Қишлоқ хўжалигига оид лойиҳалар ҳам ишлаб чиқарувчиларда катта қизиқиш уйғотади. Шундай лойиҳалардан бири асосида мамлакатимизда ипак қуртининг озуқа базаси сифати ва ҳосилдорлигини ошириш учун юқори навли тут кўчатлари етиштирувчи ин витро лабораторияси ва қўшимча иккита махсус иссиқхона ташкил этилди. Уларда тут дарахтининг хасаки ва дурагай навларига нисбатан 1,5-2 баробар юқори ҳосилдорликка эга, янги серҳосил навлари кўчати кўпайтирилади. Шунингдек, фермер хўжалиги ҳудудида кенг турдаги тут кўчатларини етиштириш мақсадида Ипакчилик илмий-тадқиқот институтида кўпайтириб келинаётган тутнинг жаҳон коллекцияси таркибига кирувчи 240 навидан 2,2 гектар майдонда янги коллекция тутзори барпо этилди.



Ипак қурти озуқа базасининг сифатли тут кўчатларига талабини таъминлаш мақсадида давлат реестрига киритилган, турли ҳудудларда кўпайтирилиши мўлжалланган юқори навли, касалликлардан холи кўчатларни ин витро усулида кўплаб етиштириш йўлга қўйилди. Натижада дастлабки йилнинг ўзидаёқ 300 минг дона "Жарариқ-2", "Жарариқ-7", "Жарариқ-14" ва "Марҳамат-2017" тут навлари кўчатини етиштириш имконияти яратилди.

ИЖТИМОИЙ РЕКЛАМА



## ОЛИЙ МАЖЛИС ҲУЗУРИДАГИ ЖАМОАТ ФОНДИ

**"Аҳолининг ҳуқуқий онги ва мулоқот маданиятини юксалтириш ҳамда инсон ҳуқуқлари бўйича таълим соҳасида фуқаролик жамияти институтларининг фаоллигини ошириш" мавзусида Давлат грантлари ажратиш учун 3-танловни эълон қилади**

**Танловга нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг қуйидаги мақсадларни назарда тутувчи ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалари қабул қилинади:**

**1.** Гендер тенглик, хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, оилаларда соғлом муҳитни мустаҳкамлашга, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга қаратилган лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш;

**2.** Низоли вазиятлар, оилавий-маиший зўрлик ишлатиш ҳолатларини ва ўз жонига қасд қилишга мойил хулқ-атворни эрта бартараф этишда давлат органлари билан ўзаро ҳамкорликни шакллантириш;

**3.** Одам савдоси, ноқонуний меҳнат миграциясидан жабр кўрган аҳоли ўртасида тизимли профилактик тарғибот, ташвиқот ва реабилитация тадбирларини амалга ошириш;

**4.** Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш, уларни ижтимоий ҳаётга мослаштириш;

**5.** Жамиятда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш маданиятини шакллантириш орқали мамлакатимизнинг халқаро нуфузини янада юксалтириш;

**6.** Аҳолига бепул кафолатланган тиббий хизмат кўрсатиш устидан жамоатчилик назоратининг самарали механизмларини жорий этиш;

**7.** Инсон ҳуқуқ ва эркинликларига амал қилинишини, ҳар бир шахснинг қадр-қимматини эъзозлаш ҳақидаги тафсилотларни ОАВ ва ижтимоий тармоқларда ёритиш;

**8.** Инсон ҳуқуқлари бўйича таълим соҳасида фуқаролик жамияти институтлари фаоллигини ошириш.

**Давлат гранти ажратиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:**

**1.** Ташкилот раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган кузатув хати;

**2.** Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фондининг www.fondngo.uz расмий веб-сайти ва https://t.me/GROUP_JAMOAT_FONDI телеграм каналида жойлаштирилган ва янги юкланган шаклда тўлдирилган давлат гранти лойиҳаси учун ариза;

**3.** Охирги ўзгартириш ва қўшимчалар билан давлат рўйхатидан ўтган ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг Устави (Низоми) нусхаси;

**4.** Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;

**5.** Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса, унда лицензиянинг нусхаси;

**6.** Ташкилотнинг солиқ қарзи мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома;

**7.** Манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тавсия ҳамда қўллаб-қувватлаш хатлари.

**Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори — 100 миллион сўмгача.**

**Ҳужжатлар 2023 йил 15 майдан 15 июнгача қабул қилинади.**

**Ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди номига "Ўзбекистон почтаси" орқали юбориладиган муҳрланган конвертларда (А4 форматда) қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: 100035, Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, 1-уй.**

**Ҳужжатларни тақдим этиш шартлари ва намуналари билан Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фондининг www.fondngo.uz расмий веб-сайтида танишиш мумкин.**

**Маълумот учун телефонлар: (71) 239-26-76, (71) 239-26-86.**

ИЛМ-ФАН ФИДОЙИЛАРИ

# ТАБИИЙ БИРИКМАЛАР КИМЁСИ АСОСЧИСИ



**XX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИДА ҒЎЗАНИНГ ВИЛТ БИЛАН КАСАЛЛАНИШИ АВЖИГА ЧИҚДИ. БУ ЭСА ҲОСИЛДОРЛИККА ЖУДА КАТТА ЗАРАР ЕТКАЗДИ. ОБИД СОДИҚОВНИНГ ЭНГ ЙИРИК ХИЗМАТЛАРИДАН БИРИ — У ТАШКИЛ ҚИЛГАН МАКТАБДА ВИЛТ ҚЎЗҒАТУВЧИ ТОКСИНЛАР КИМЁСИ ВА БИОКИМЁСИ СОҲАСИДА ТАДҚИҚОТЛАР ЎТКАЗИЛДИ, ҒЎЗАНИ ВИЛТ БИЛАН КАСАЛЛАНИШДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ КИМЁВИЙ ҲАМДА БИОЛОГИК УСУЛЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ. АЛКАЛОИД ВА ЭФИРНИ ЧАТИШТИРИШ ОРҚАЛИ 200 ДАН ОРТИҚ ЯНГИ МОДДА ЯРАТИЛДИ. ШУНИНГДЕК, БАТРИДЕН, МЕГОСИНАНАБАЗИН ГИДРОХЛОРИД, АНАБАЗИН СУЛЬФАТ КАБИ ДОРИЛАР КАШФ ЭТИЛДИ.**



**Беккул ЭГАМҚУЛОВ,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

**У 27 ёшида фан номзоди, орадан беш йил ўтгач, яъни 32 ёшида фан доктори диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган. 34 ёшида унга профессор унвони берилади. Шу йили олим Ўзбекистон Фанлар академияси академиги этиб сайланади. Ўша пайтда ҳам, бугун ҳам бу ёшда академик бўлган олимлар бармоқ билан санарли. Бундай муваффақиятга фанга чинакам фидойилик қилган, бутун умрини танлаган соҳасига бағишлаган олимгина эришиши мумкин.**

1913 йили Тошкентда Сиддиқ Тиллаев ва Ҳалимахон Исломова оиласида ўғил фарзанд дунёга келади. Сиддиқ ота косиблик, деҳқончилик қилиб рўзғор тебратар, Ҳалимахон ая эса болалар тарбияси билан банд эди. Аллоҳ уларга оз эмас, кўп эмас, накд 13 фарзанд ато этганди. Уларнинг олти нафарига узоқ умр кўриш насиб қилди. Шу фарзандлардан бирининг оти Обид эди.

Гап буюк олим, ўзбек кимё фанининг улуғ намояндаларидан бири, академик Обид Содиқов ҳақида кетаётганини сезган бўлсангиз керак. Унинг номи XX аср ўзбек фанининг чинорлари Қори Ниёзий, Ҳабиб Абдуллаев, Мирзаали Муҳаммаджонов, Малик Набиев, Муҳаммаджон Ўрозбоев, Саъди Сирожиддинов, Тошмуҳаммад Саримсоқов, Обид Акромхўжаев, Ҳамид Сулаймон, Собир Юнусов, Ёлқин Тўрақулов каби буюк олимлар қаторида тилга олинади.

У Ўзбекистон кимё фани ташкилотчиларидан, совет биоорганик кимё фани асосчиларидан бири эди. Унинг кимё соҳасидаги алкалоидлар, органик кислоталар, полифеноллар, гормонлар, ўсмага қарши препаратлар ва бошқа физиологик фаол моддалар ҳақидаги тадқиқотларини бутун дунё тан олган. Жаҳондаги энг йирик илмий-тадқиқот марказлари бугун ҳам ўрганмоқда.

Сиддиқ ота ва Ҳалимахон ая ўзлари оддий деҳқон ва уй бекаси бўлса-да, фарзандлар тарбиясига алоҳида эътибор беради. Тирикчилиги зўрға ўтаётганига қарамай, болалари саводли бўлиши учун барча имкониятларини ишга солади. Фарзандлари келажагини, бахтини илму маърифатда деб билган ота-она улар қалбида ёшлигидан китобга, илмга меҳр уйғотади. Шунинг учун бўлса керак, кейинроқ бу оиладан кимё бўйича битта академик, битта фан доктори, битта фан номзоди етишиб чиқади. Неваралар оиладаги бу ажойиб анъанани давом эттирмоқда.

1996 йили Қ.Аҳмеровнинг “Фан” нашриётида чоп этилган “Фанимиз фидойиси” рисоласида ёзилишича, Обид Содиқов барча қийинчиликларга қарамай, ўқиш, билим олиш, ўз даврининг муносиб фарзанди бўлиб етишишни орзу қилган. Бу борада икки укаси — фан номзоди, доцент Карим Тиллаев, фан доктори, профессор Раҳим Тиллаевни ўз ортидан эргаштирган, уларга йўл-йўриқ кўрсатган.

Ота-онанинг фарзандлар тарбиясига эътибори бесамар кетмайди. Обид ёшлигидаёқ фақат илм билан ўз келажагини яратиш мумкинлигини тушуниб етади. Мактабни аъло баҳоларга тугатиб, Ўрта Осиё давлат университетига ўқишга киради. Талабалик йилларида у илмий-текшириш институтида лаборант бўлиб ҳам ишлайди. Ўшандаёқ унинг келажаги порлоқ экани маълум бўлган. Бўлғуси олимнинг тиришқоқлиги ва иқтидорига тан берган ўз даврининг улуғ олимлари С.Н.Наумов, Ц.П.Цукервани, Г.В.Лазуревский “Обид Содиқов — келажакнинг йирик олими”, дея башорат қилган. Орадан кўп ўтмай, бу башорат амалга ошди.

1937 йили университетни тугатиши билан у ушбу илм даргоҳининг органик кимё кафедраси аспирантурасига қабул қилинади. Шу билан бирга, Фармацевтика ҳамда Тўқимачилик ва енгил саноат институтларида ўқитувчилик қилади. 1939-1941 йилларда Самарқанд университетида ишлайди ва ўша ерда номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлайди.



Уруш йилларида СамДУда фаолият юритган олим фронтда жароҳатланганларни тезда даволашга хизмат қиладиган кимёвий моддалар яратади. Алкалоидлар бўйича чуқур изланишлари натижасида 1945 йили докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилади. Бу билан у инсонга хизмат қилиши керак бўлган табиат сирини очган дунёга машҳур олимлардан бирига айланди. Орадан бир йил ўтгач, ўзи ташкил этган ўсимликлар кимёси кафедрасига мудир бўлди. 1954 йили эса кафедра ҳузурида ўсимликлардан табиий дорилар ажратиб оладиган лаборатория ташкил қилди. Қисқа муддатда дори ажратиб олинадиган 500 турдан зиёд ўсимлик сараланди. Кейинроқ лаборатория Биоорганик кимё илмий-текшириш институтига айланди ва Обид Содиқов бу илмий даргоҳнинг биринчи директори бўлди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, О.Содиқов жаҳонда табиий бирикмалар кимёси асосини яратган олимлардан биридир.

Олимнинг алкалоидлар борасидаги чуқур изланишлари органик кимё фанини бойитди ва бу кашфиёт бутун дунёда тан олинди. Унинг кашфиётига кимё соҳаси бўйича дунёга машҳур олимлар Александр Несмеянов ва Мартин Кабачник “Собир Юнусов ва Обид Содиқовнинг кашфиётлари туфайли алкалоидлар тадқиқоти бўйича Ўзбекистон СССРдаги энг йирик республикалардан бирига айланди”, дея таъриф беради.

XX асрнинг иккинчи ярмида ғўзанинг вилт билан касалланиши авжига чиқди. Бу эса ҳосилдорликка жуда катта зарар етказди. Обид Содиқовнинг энг йирик хизматларидан бири — у ташкил қилган мактабда вилт қўзғатувчи токсинлар кимёси ва биокимёси соҳасида тадқиқотлар ўтказилди, ғўзани вилт билан касалланишдан ҳимоя қилишнинг кимёвий ҳамда биологик усуллари ишлаб чиқилди. Алкалоид ва эфирни чатиштириш орқали 200 дан ортиқ янги модда яратилди. Шунингдек, батриден, мегосинанабазин гидрохлорид, анабазин сульфат каби дорилар кашф этилди.

Унинг раҳбарлигида ғўза баргидан лимон ва олма кислоталари ажратиб олишнинг саноат усули ишлаб чиқилди. Шакар ишлаб чиқариш чиқиндиси патикадан микробиология усули билан итакон кислота олинди, доривор моддалар, биостимуляторлар синтез қилинди. Ҳаёт учун муҳим бўлган физиологик фаол табиий бирикмалар ва уларнинг синтетик муқобиллари тузилиши билан организмдаги функцияси ўртасидаги боғланиш чуқур ўрганилди.

Олим Ўрта Осиёда ўсадиган ўсимликларни текшириб, 100 дан зиёд дипиридил, хинолизидин, изохинолин алкалоидни ажратиб олди, уларнинг тузилиши, конформацион ҳолати ва биогенетик ўзгаришларини аниқлади. Унинг раҳбарлигида ғўза барги, чигити, қобиғи, гули ва ғўзапоясидан углеводородлар, юқори молекулали спиртлар, кислоталар, стеринлар, тритерпенлар, флавоноидлар, полифеноллар, госсиполлар, углеводлар, шунингдек, A, E, P, F витаминлари ажратиб олинди. Анабазингидрохлорид, госсипол, госсипол линименти, мегосин малҳами, батриден ва гозанидон каби кўпгина препаратларни саноат миқёсида ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Ўтган асрнинг олтмишинчи йилларида мамлакатда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Бунинг учун жуда катта майдонлар ўзлаштирилди. Бундан ташқари, экин ҳосилдорлигини ошириш мақсадида ерни ва уруғни кимёвий ўғитлашга эътибор кучайди. Фосфор ва хлор ўғитлар билан бирга, ДДТ ва алдрин каби заҳарли моддалардан фойдалана бошланди.

Натижада аҳоли ўртасида турли касалликлар ва заҳарланиш кўпайди. Шундай ҳам пахта яккаҳокимлигидан қийналиб яшаётган одамлар учун бу катта фожиа эди. Республика соғлиқни сақлаш тизимидаги хавотирли вазият олимлар, ёзувчилар, зиёлиларда ташвиш уйғотди. Ушбу фожианинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Фанлар академияси ҳузурида махсус қўмита ташкил қилинди ва унга Обид Содиқов раҳбар этиб тайинланди.

Шундан сўнг олим ўзига хос тезкор ҳаракатлар билан қишлоқ хўжалиги, тиббиёт, кимё ва биология соҳалари олимларини бир жамоага бирлаштирди. Уларнинг олдига тез фурсатда аграр соҳа ривожига хизмат қиладиган, аммо заҳарли моддалари кам кимёвий бирикмалар ишлаб чиқиш вазифаси юкланган эди. Академиклар Малик Набиев, Обид Содиқов ва бошқа олимларнинг саъй-ҳаракати билан ДДТ, алдрин, бутифос каби кучли заҳарли моддалардан фойдаланиш тўхтатилди. Уларнинг ўрнига кам зарарли кимёвий ўғитлар яратилиб, ишлаб чиқаришга жорий этилди.

Бутифосни ўзбек пахтакорлари яхши эслайди. Ғўзани машинада териш учун баргини тўкиш лозим эди. Барг бутифос ёрдамида тўкиларди. Афсусланарлиси шундаки, кимёвий дори самолёт ва тракторда далада пахта териб юрган аёллар, болалар, ўқувчи ва талабалар устига ҳам бемалол сепилаверарди. Кўпчилик бу дори ўта заҳарли эканини билмасди ҳам. Тўғрироғи, бу факт одамлардан яширилганди. Бутифоснинг зарари ҳақида шуни айтиш мумкинки, у гўдакларнинг майиб-мажруҳ туғилишига ҳам олиб келарди. Бутифос фақат Ўзбекистонда эмас, собиқ шўролар мамлакатининг пахта етиштирувчи барча республикаларида қўлланиларди. Бутифоснинг ишлаб чиқаришдан олиниши Ўрта Осиё республикалари

**У ЎША ПАЙТДА СССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ АКАДЕМИГИ ЭТИБ САЙЛАНГАН КАМДАН-КАМ ЎЗГА МИЛЛАТ ВАКИЛИ БЎЛГАН ОЛИМЛАРДАН БИРИ ЭДИ. САЛКАМ 12 ЙИЛ ЎША АКАДЕМИЯ ПРЕЗИДИУМИ АЪЗОСИ БЎЛДИ. БУЛАР ШУНДАН ДАЛОЛАТ БЕРАДИКИ, МОСКВАДАГИЛАР ҲАМ ОБИД СОДИҚОВНИНГ ИЛМИЙ САЛОҲИЯТИГА ТАН БЕРИШГА, УНИНГ КАШФИЁТЛАРИНИ ТАН ОЛИШГА МАЖБУР БЎЛГАН. УЛАРНИНГ БУНДАН БОШҚА ЙЎЛИ ҲАМ ЙЎҚ ЭДИ. ЧУНКИ АКАДЕМИК ОБИД СОДИҚОВНИНГ ИЛМИЙ ИШЛАРИНИ АЛЛАҚАЧОН ДУНЁ ФАНИ ТАН ОЛИБ БЎЛГАНДИ.**

ва Озарбайжон пахтакорларини ҳам фожиадан сақлаб қолди.

1960-1970 йилларда Ўзбекистонда сариқ касаллиги ҳам кўпайиб кетади. Шунда Обид Содиқов биринчи бўлиб бунга қарши чора излайди. Тиббиёт фанлари доктори Шабот Хўжаев ўша даврни бундай эслайди:

“Бир куни суҳбатлашиб ўтириб, мен Обид Содиқовга сариқ касаллиги бўйича республикадаги эпидемиологик ҳолат ҳақида айтдим. Шунда у менга Ўзбекистон Фанлар академияси президиумининг кенгайтирилган йиғилишида бу ҳақда гапиришимни сўради.

Тезда ЎзФА президиумининг кенгайтирилган йиғилиши чақирилиб, тегишли илмий муассасалар раҳбарлари таклиф этилди. Менинг маърузамдан сўнг Обид Содиқов Генетика, Биокимё, Кибернетика, Биология ва кимё институтлари раҳбарларига сариқ касаллигини камайтириш учун биргаликда дастур ишлаб чиқишни таклиф қилди. Орадан кўп ўтмай, мамлакатимизда бу касаллик билан оғриган беморлар сони бир неча баробар камайди.

Тақдир Обид Содиқовни жуда кўп ижобий хислатлар билан сийлаган эди. У кимё фанидан бир қанча йўналишларнинг асосчиси ҳисобланади. Айнан унинг ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан юртимизда кимё соҳасига оид институтлар, илмий лабораториялар ташкил этилган.

Унга яқин бўлган кишилар, шогирдлари Обид Содиқов талабчан олим, том маънода, зиёли инсон бўлганини таъкидлайди. У ҳаммани ўзига тенг кўрар эди. Ҳеч қачон мен профессорман, мен академикман, мен қаҳрамонман демаган. Ўзидан катта билан ҳам, кичик билан ҳам, лавозими юқори мансабдор билан ҳам, даладаги деҳқон ёки яйловдаги чўпон билан ҳам тенг суҳбатлашган. Ўзини ҳеч кимдан юқори қўймаган. Шунинг учун уни ҳамма яхши кўрарди. У бошқалар ҳақида фикр билдирганда, ўша одамнинг фақат ижобий томонлари ҳақида гапирар эди.

“Мен 50 йилдан кўпроқ у инсон билан яқин мулоқотда бўлдим, — деб ёзади тиббиёт фанлари доктори Шабот Хўжаев. — Аммо бирор одам ҳақида салбий гап айтганини эшитмадим. Ваҳоланки, юқори лавозимларда ишлаган инсон сифатида унинг ўзига яраша душманлари, уни ёқтирмайдиган инсонлар бор эди”.

Оила Обид ака учун муқаддас ҳисобланган. Фарзандлари Алишер ва Комила отаси йўлини танлади. Кимё соҳасида фан номзоди ва докторлари бўлишди. Рафиқаси биолог олим, ажойиб педагог Қундузхон ая меҳрибон она, турмуш ўртоғининг ишончли дўсти, ҳамфикри эди.

Обид Содиқов салкам 20 йил Ўзбекистон Фанлар академияси президенти лавозимида фаолият юритди. Бу даврда у фақат ўз соҳаси билан шуғулланмади. Катта ташкилий ишларга ҳам бош бўлди. Академиянинг Археология, Биокимё, Электроника, Қўлёзмалар, Кимё ва физика полимерлари институтларини ташкил этди. Шунингдек, 40 дан зиёд институт ва лаборатория қурилишига бош-қош бўлди. Бундан ташқари, айни шу йилларда ушбу фан ва таълим муассасаларида кўплаб юқори малакали мутахассислар, фан докторлари, академиклар етишиб чиқди.

У республикадаги турли илмий марказлар билан шахс сифатида, олим сифатида тез тил топиша оларди. Натижада ҳамкорликда кўплаб илмий конференциялар, симпозиумлар ўтказиларди. Энг муҳими, турли соҳадаги олимлар ўртасида алоқалар йўлга қўйилиб, илмий ҳамкорлик ривожланарди. Масалан, Вирусология институти билан ижодий алоқалар туфайли вирусга қарши кўплаб дори-дармонлар, препаратлар яратилган.

1973 йилнинг 16 ноябрида унга “Меҳнат қаҳрамони” унвони берилади. У собиқ шўролар давлатида бундай унвонга сазовор бўлган жуда кам сонли ўзбек олимларидан бири. Ўша йилларда пахтакорга, чорвадорга, ғаллакорга, муҳандисга, ишчига бундай юксак унвон бериш мумкин эди-ю, лекин зиёлига, айниқса, аниқ фанлар билан шуғулланадиган миллий республикалик олимга бериш жуда кутилмаган ҳодиса ҳисобланарди. Аслида, миллий республикалар олимларига иккинчи даражали илм кишиси сифатида қараларди. Ўша даврда энг йирик кашфиётлар гўёки Москвада, Ленинградда, Новосибирскда, Свердловскда оға миллат вакиллари томонидан яратиларди.

Бундан ташқари, у ўша пайтда СССР Фанлар академияси академиги этиб сайланган камдан-кам ўзга миллат вакили бўлган олимлардан бири эди. Салкам 12 йил ўша академия президиуми аъзоси бўлди. Булар шундан далолат берадики, Москвадагилар ҳам Обид Содиқовнинг илмий салоҳиятига тан беришга, унинг кашфиётларини тан олишга мажбур бўлган. Уларнинг бундан бошқа йўли ҳам йўқ эди. Чунки академик Обид Содиқовнинг илмий ишларини аллақачон дунё фани тан олиб бўлганди.

Сафдошлари ва шогирдларининг айтишича, унинг Фанлар академияси президентлигидан кетишига Шароф Рашидов билан яқинлиги сабаб бўлган. У академия президенти бўлган пайтда доимо республика раҳбари Шароф Рашидовнинг ёрдамини, мададини, қўллаб-қувватлашини сезиб турган.

У ҳалол ва фидокорона меҳнатлари туфайли “Меҳнат қаҳрамони”, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби фахрий унвонларига эришди. Ўзбекистон Фанлар академияси Кимё институти директори, ТошДУ ректори, Ўзбекистон Фанлар академияси президенти, Ўзбекистон Фанлар академияси Биоорганик кимё бўлими раҳбари, Биоорганик кимё институти директори каби юксак лавозимларда ишлади. Собиқ СССР ва Ўзбекистон Фанлар академияси академиги, Беруний номидаги Ўзбекистон давлат мукофоти лауреати бўлди.

Обид Содиқов “Органик кимё”, “Органик кимёдан практикум” ўқув қўлланмалари ҳаммуаллифи, кўплаб илмий ва оммабоп китоблар, юзлаб мақолалар муаллифи ҳисобланади.

Ўзбекистон Фанлар академияси Биоорганик кимё институтига унинг номи берилган. Тошкентдаги 249-мактаб, Олмазор туманидаги маҳалла, Учтепа туманидаги кўчалардан бири Обид Содиқов номи билан аталади.

Буюк олим, академик Обид Содиқов 1987 йил 22 июнда вафот этди.

У тириклик пайтидаёқ XX аср кимё фанининг йирик намояндаларидан бири сифатида тарихга кирди ва буюк олим бундан кейин ҳам ўзбек халқининг фахри бўлиб қолади.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС:
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир:
**Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** Г-546.
11117 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Мухтасар Тожимаматова
Мусаҳҳиҳ: Рашид Хўжамов
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

ЎзА якуни — 00:20 Топширилди — 01:30